

# Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,  
МАЎНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА



ШАНБА, 8 ОКТЯБРЬ 2022 ЙИЛ | №40 (2074)

www.xolisnazar.uz



@xolis\_nazar



@xolisnazar



3-саҳифада.

## «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат»

### КЎЗГУ

**ОПА-СИНГИЛНИНГ ҚУДА-АНДАЧИЛИГИ ТАҚИҚЛАНАДИ... (МИ?)**



КИМДИР ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ ОИЛАВИЙ «БОРДИ-КЕЛДИ»ЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ ДЕСА, КИМДИР БУНИНГ АКСИНИ АЙТАДИ: ОДДИЙ МАИШИЙ ЖАНЖАЛЛАР ҲАМ ЎРТАГА СОВУҚЧИЛИК ТУШИРАДИ

7

### МУЛОҲАЗА

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЯНАДА ЧАЛКАШИБ КЕТАПТИ**



БУ МАВЗУНИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ЧЎЗИБ ЮРАВЕРИШ ЯРАМАЙДИ. ЧАЛКАШ ВА ТУШУНАРСИЗ ҚАРОРЛАР ЭСА ШУНДОҚ ҲАМ ҚИЛ УЧИДА ТУРГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МУТЛАҚО ВАЙРОН ҚИЛИШИ МУМКИН.

8

### ТАБИАТ ВА БИЗ

**ТЕКИН РЕСУРСЛАРНИ ЯНА БЕҲУДА ЁҚИБ ЮБОРАВЕРАМИЗМИ?**



ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАСДАН УЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФойДАЛанишнинг минглаб усули бор. АСОСИЙСИ, АТРОФ-МУҲИТГА ЗАРАР БЕРМАСДАН, ИНСОНЛАР СОғЛИҒИНИ САҚЛАГАН ҲОЛДА ФойДА Келтирадиган йўлни танлаб олишдир

14

### БУГУННИНГ ГАПИ

**«РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ КЕСКИН ТАРЗДА БУЗИЛЯПТИ**



МАҲСУЛОТ ДАВО БЎЛМАЙДИГАН БИРОР КАСАЛЛИК ЙЎҚ БЎЛСА, СОғЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ НЕГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИБ, БАРЧА БЕМОРЛАРГА ШУ МАҲСУЛОТНИ ТАВСИЯ ЭТМАЯПТИ?

16



## ЖАРАЁН

Ўрганишлар давомида мазкур маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, тупроқли йўллар тош-шағал йўлларга айлантирилаётгани, маҳалла биноларида қурилиш ишлари қай тарзда кечаётгани кўздан кечирилди. Маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Хабарингиз бор, айти пайтада маҳаллаларда аҳолининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир кўрсатаётган энг долзарб муаммоларни ўрганиш орқали 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жараёнда нафақат ўрганишлар, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда, балки ечимини маҳалла даражасида ҳал этиш имкони бўлган муаммолар жойида бартараф этилмоқда.



## Муаммолар масъуллар эътиборидан четда қолмаяпти

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДАГИ АҲОЛИ КАЙФИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МУАММОЛАР ЖОЙИГА ЧИҚҚАН ҲОЛДА, ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНИШИ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА МАСЪУЛЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛИШИ, КУНДАЛИК МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШГА УСТУВОР АҲАМИЯТ ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ

### САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Тизимни такомиллаштириш ва аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида **Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги уринбосари Абдулла Турсунов** Самарқанд вилоятида бўлиб, маҳалла ўқув марказида фаолият юритаётган ходимлар билан суҳбатлашди. Жорий йил ўқув маркази маҳалла бошқармаси балансида бўлган бинога жойлаштирилиб, сентябрь ойида таъмирдан чиқарилган ва зарур жиҳозлар билан жиҳозланган. Учрашувда ходимларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари эшитилди. Тизимни такомиллаштириш бўйича «Самарқанд тажрибаси»ни яратиш, ходимлар илмий тадқиқот фаолиятини давом эттириши бўйича тавсиялар берилди.

### Шунингдек, учрашувда

тизимни тубдан такомиллаштириш, аҳоли муаммоларини ечиш ва кайфиятини кўтариш — маҳалла ходимларининг асосий вазифаси экани таъкидланди. Шу билан бирга, маҳаллаларда ишни тўғри ташкил қилиш, «бешлик» фаолиятига баҳо бериш бўйича тушунтиришлар берилди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

**Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги маслаҳатчиси Ботир Парпиев** Пискент туманида бўлиб, қатор маҳаллаларда «маҳаллабай» ишлар ҳамда аҳоли муаммолари билан ишлаш ҳолати билан танишди. Маҳаллалар, айниқса, ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп бўлгани боис тегишли дастурга киритилган

«Дўнгқўрғон», «Зоминовил» ва «Оқтом» йиғинларида амалга оширилган ишлар, жумладан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви тармоғи ва иншоотларини тортиш, электр тармоғи, симёғочлар, трансформаторлар ўрнатиш, табиий газ тармоқлари ва газ баллон масаласи, кўмир билан таъминлаш, ободонлаштириш ишлари ҳолати манзилли ўрганилди.

Туман ҳоқими ва бошқа секторлар раҳбарлари, ташкилотлар масъуллари иштирокида ўтказилган йиғинида жойларда аниқланган камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Б.Парпиев томонидан масъулларга одамларни рози қилиш, уларнинг ҳаёт кечириш сифати ва турмуш даражасини юксалтириш, аҳолининг кайфиятига

салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир маҳалладаги аҳоли кайфиятига таъсир қилувчи муаммоларни жойига чиққан ҳолда, одамлар билан мулоқот қилиш орқали аниқлаш, уларни бартараф этиш учун тегишли тартибда масъулларга йўналтириш, шунингдек, аҳолининг кундалик муурожаатлари билан ишлашга устувор аҳамият қаратиш борасида қатор вазифалар муҳокама қилинди.

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.

**Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва тегишли масъул ташкилотлар ҳамкорлигида** Касби туманидаги «Талишбе», «Хўжахайрон» маҳаллалари аҳолисининг кундалик кайфиятига бевосита таъсир

кўрсатаётган энг долзарб муаммолар ўрганилди.

Ўрганишлар давомида мазкур маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, тупроқли йўллар тош-шағал йўлларга айлантирилаётгани, маҳалла биноларида қурилиш ишлари қай тарзда кечаётгани кўздан кечирилди. Маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан «Талишбе» маҳалласида яшовчи, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оиласида ногиронлиги бўлган 2 та хонадон вакиллари ҳолидан хабар олиниб, уларга маҳсулотлар тақдим этилди. Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

С.ИБРОҲИМОВ  
тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Жўқорғи Кенгес Раиси сайёр қабул ўтказди



Чимбой туманида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаевнинг фуқаролар учун сайёр қабули бўлиб ўтди.

Тадбир давомида қабулда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган Тахтақўпир, Қораўзак, Бўзатов, Кегейли ва Нукус туманларида яшовчи фуқаролар ўзларининг муурожаатлари билан юзланди. Унда, асосан, ижтимоий-иқтисодий, моддий ва тиббий ёрдамлар кўрсатиш, бандлик, таълим, ичимлик сув, газ, электр энергияси, ички йўллар ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келаётган муаммолар бўйича муурожаатлар тингланиб, жойида ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Тахтақўпир туманидан Бауиржан Кидирбаевга 15 миллион сўмлик моддий ёрдам берилган бўлса, ойлавий шароити ҳисобга олиниб, олий ўқув юртида тахсил олаётган фарзандининг шартнома пуллари тўлаб бериладиган бўлди. Бўзатов туманидан келган Гулсара

Исметованинг тураржойига қадастр ҳужжатлари бепул расмийлаштириб берилди. Шунингдек, Чимбой, Кегейли туманларидан ички йўлларни таъмирлаш бўйича қилинган муурожаатларни жойида ҳал қилиш учун шу куннинг ўзида техникалар жалб этилиб, ишлар бошлаб юборилди.

— Сайёр қабулда қилган муурожаатимиз ижобий ҳал бўлмоқда, — дейди чимбойлик Жалгасбай Асқаров. — Ички канални қазिशга техника ажратиш ва канални қазиб, худудимизга сув етказишда амалий ёрдам беришни сўраган эдим. Мана зудлик билан экскаватор ажратилиб, қазиб ишлари бошланди. Аввало, раҳбарларнинг халқ билан мулоқот қилиш, муурожаатларини тинглаш тизимини ташкил этгани учун Президентимизга ва жойларда мавжуд муаммоларни

ҳал қилаётган Республика раҳбариятига овулимиз аҳли номидан миннатдорлик билдираман.

Мазкур муурожаат ижобий ҳал бўлгач, Чимбой тумани марказидаги «Шохтемир», «Темиржол», «Қарақўл» маҳаллалари худудида жойлашган 660 га яқин хонадонларнинг томорқа майдонларига сув етказиш яхшиланади. Бунинг учун айти вақтда «Куйин жап» ички каналида қазиб-тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбир давомида жами 456 та муурожаат қабул қилинган бўлса, шундан 242 та муурожаат жойида ҳал қилинди. Вақт талаб қилинадиган муурожаатлар ижроси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси назоратига олиниб, масъулларга кўрсатмалар берилди.

И.ПҮЛАТОВ.



КЕКСАЛАР  
ҲАФТАЛИГИ

Ҳафталик тадбирларида нафақат маҳаллий ҳокимлик, маҳаллалар ва «Нуроний» жамғармаси, балки кўплаб тадбиркору савобталаб инсонлар ҳам қатнашди. «Кексалар ҳафталиги» барча ҳудудларда кўтаринки руҳда давом этмоқда.

# «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат»



## «КЕКСАЛАР ҲАФТАЛИГИ» ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА МАҲАЛЛАЛАРДА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА, НУРОНИЙЛАРГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ ТУЙҒУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

**Халқимиз эзгу анъана, урф-одат ва фазилатларга ниҳоятда бой. Хусусан, оилада, маҳалла-кўйда, жамоат орасида ёши улуг инсонларга ўзгача меҳр-эҳтибор билан муносабатда бўлишдан ташқари, бирор хайрли амални бошладан олдин кекса авлод вакиллари билан маслаҳат олиш одатланганмиз. Уч йил муқаддам мазкур анъаналар қаторига яна бири қўшилди. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2019 йилдан эҳтиборан октябрь ойининг боши «Кексалар ҳафталиги» этиб белгиланди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 сентябрдаги тегишли баёнига асосан, жорий йилнинг 3-9 октябрь кунлари «Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — халқимизга хос эзгу фазилат» ғояси остида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Кексалар ҳафталиги» ўтказилмоқда. Барча маҳаллаларда нуронийлар, шу жумладан, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида истиқомат қилаётган кексалар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, танловлар, хайрия тадбирлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.**

Вилоят Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг нуронийлар масалалари бўйича ўринбосари Зокиржон Раҳмоновнинг қайд этишича, ҳафталик доирасида вилоятда кенг қўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ишлар шу асосда йўлга қўйилган. Жумладан, Риштон туманидаги «Қошқайрон» маҳалласида кексалар ўртасида шахмат-шашка турнири ўтказилди. Мазкур маҳаллада яшовчи бир гуруҳ нуронийлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Гулистон, Жиззах шаҳарларига саёҳатга олиб борилди.

— Саёҳат давомида ушбу шаҳарларда жойлашган тарихий зиёратгоҳлар, музейлар ҳамда янги қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлдик, — дейди Орифжон Зоҳидов. — Мароқли сайрлар барчамизга бир олам завқ бағишлаб, қалбимизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ана шундай эзгу тадбирлардан бири Ўзбекистон тумани «Сочтепа» маҳалласида бир гуруҳ нуронийлар, меҳнат фахрийлари иштирокида бўлиб ўтди. Бир пиёла чой устида кечган ширин дийдор барчага хушқайфият бахш этиб, пиру

бадавлатлар бугунги кунга шукроналар айтишди. Байрам давомида юрт ривожини, маҳалла тинчлигини ва ёш авлоднинг муносиб тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган барча тадбир иштирокчилари-нуронийларга иззат-эҳтиром кўрсатилиб, ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.**

Учқўрғон туманида ҳафталик аср билан тенгдош ҳамқишлоқларни йўқлашдан бошланди. «Деҳқонobod» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Шаҳрибону момо 109 ёшга, «Наврўз» маҳалласида яшовчи Бузахро момо Бўтаева, баҳриободлик Мукаррамхон Абдурахимова 102 ёшли қаршилаган. Умри меҳнат ва фарзандлар тарбияси билан ўтган бу инсонларнинг ҳаёт йўли барчага ибрат. Уларга «Нуроний» жамғармасининг туҳфалари ва 900 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди. Умуман олганда, вилоят бўйича асрни ортда қолдирган 52 нафар фуқаро муносиб тарзда йўқланди.

— Ҳафталик доирасида биргина маҳалла тизими орқали юз мингдан зиёд кексалар ва меҳнат фахрийларидан хабар олиш кўзда тутилган, — дейди Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси масъул ходими Абдурашид Болтабоев. — Бундан ташқари, меҳнат жамоалари, олий ўқув юртлари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан 200 мингга яқин фахрийлар меҳр-мурувватдан баҳраманд бўлади. Жойларда ташкил этиладиган маданий-маърифий тадбирлар, ёлғиз яшовчи қарияларнинг тураржойларини таъмирлаш, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш орқали кўнгиллarga шодлик олиб кирилади.

**НАВОЙ ВИЛОЯТИ.**

Ҳафталик доирасида Маҳалла ва нуронийларни

қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Турдиев бир гуруҳ нуронийлар билан Нурота туманидаги «Чашма» зиёратгоҳини зиёрат қилиб, тумандаги «Нуронийлар маскани»да ташкил этилган «Кашталар кўргазмаси» ва «Кулосоз» усталар кўргазмали тадбирларида иштирок этишди.

Шунингдек, Фозгон шаҳридаги Мармаробод заводининг намоишхона залида завод маҳсулотлари ва шаҳардаги хунарманд-тоштарош нуроний усталарнинг асарлари намоиш этилди. 100 ёшни қарши олган, II жаҳон уруши қатнашчиси Турсун бобо Эргашевнинг ҳолидан хабар олинди. Кекса авлод вакиллари бир пиёла чой устида самимий суҳбат қуриб, бугунги ислохотларга шукроналар келтирди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ёши улуг инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Ҳар куни 5 минг қадам» шиори остида пиёда юриш марафонлари ташкил этилмоқда, театр ва музейларга, мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар уюштирилмоқда.

— Кексаларни бошига кўтарадиган халқимиз, нима яхшиликлар бўлса, отахон ва онахонларимизга бўлсин, деб юксак эҳтиром кўрсатаётган Юртбошимиз бор, — дейди Кармана туманидаги «Талқоқ» маҳалласида яшовчи Аслон Саидов. — Ҳафталик давомида бундай эҳтибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлмаган биронта ёши улуг инсон қолмади. Буни бизнинг маҳалла мисолида яққол кўриш мумкин.

Этиборли жиҳати шундаки, ҳафталик тадбирларида нафақат маҳаллий ҳокимлик, маҳаллалар ва «Нуроний» жамғармаси, балки кўплаб тадбиркору савобталаб инсонлар ҳам қатнашди.

«Кексалар ҳафталиги» барча ҳудудларда кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

Мамлакатимиз аҳолисининг 3 миллион 162 минг нафарини кекса авлод вакиллари ташкил этади. Улардан 221 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 9 965 нафари меҳнат fronti иштирокчилари, 22 745 нафари эса ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалардир. Кейинги йилларда кекса авлод вакиллари билан ишлаш соҳасида 1 та Қонун, 5 та Президент Фармон ва қарорлари, 4 та Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. 60 дан ортиқ вазирилик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотларда «Фахрийлар кенгашлари» фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган даврида «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 775 нафар кексаларга ногиронлар аравачаси, 1 489 нафарига эшитиш мосламаси, 2 132 нафарига ҳасса, 1016 нафарига кўзуйнак, 864 нафарига бошқа реабилитация воситалари олиб берилди. 475 124 нафар нуронийлар бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 22 745 нафар ўзгалар парваришига муҳтож яқка-ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексаларнинг 3 565 нафарига дори-дармон воситалари, 8 266 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари, 3 785 нафарига моддий ёрдам берилди, 168 нафарининг уй-жойлари таъмирланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан бошланган «Бир нуроний ўн ёшга масъул» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 16 224 нафар обрў-эҳтиборли нуронийлар ва зиёлилар 154 218 нафар ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга бириктирилди. Натижада улар томонидан 470 нафар ёшларнинг ўқишларини тиклашда, 27 667 нафарининг ишга жойлаштирилишида кўмаклашилди, 211 мингдан ортиқ тарбияси оғир ёшларнинг тўғри йўлга тушиб олишлари эришилди, 1 465 та ажралиб кетиш олдидан турган ёш оилалар яраштирилди.

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ



## ЖАРАЁН

Жорий йилда Андижон вилоятидаги иқтисодий-ижтимоий аҳоли нисбатан оғир 72 та қишлоқ-маҳалладаги 44,6 км. йўлга тош-шағал, 30,4 км. йўлга асфальт, 33 км. бетон қопламаси ётқизилди, 221 км. ичимлик сув тармоғи тортилди, 55 дона ичимлик сув иншооти таъмирланди, 42 та трансформатор янгиланди, 125 км. электр тармоғи тортилди.

## Оммавий қабулдан сўнг олис қишлоқ қиёфаси ўзгаряпти

Йил якунига қадар бўёндкорлик ишлари олиб борилган қишлоқ ва маҳаллаларнинг 166 минг нафардан зиёд аҳолисини ўйлантириб келаётган кўп йиллик муаммолар барҳам топади.



## ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОПШИРИҒИ АСОСИДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА СЕКТОРЛАР ТОМОНИДАН ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДАН СЎНГ МУРОЖААТЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИБ БОРИЛМОҚДА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**даги ўрганишлардан сўнг ижтимоий-иқтисодий аҳоли нисбатан оғир бўлган 72 та қишлоқ ҳамда маҳаллада кенг қўлланми бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Шундан 27 та ҳудуддаги қурилиш-таъмирлаш ишлари «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида бажарилмоқда.

«Обод қишлоқ» дастури бу йил Марҳамат туманидаги «Бирлик» маҳалласида яшаётган 3,2 минг нафардан зиёд аҳоли ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Тупроқ кўчалар бетон қопламали йўлга айлантилмоқда. Ҳозирда 5 та кўчадаги қарийб 1,4 км. бетон йўл қуриш ишлари якунланди. Бундан ташқари, 3,5 км. йўлга тош-шағал тўшалди, 2 км. кўча асфальтланди. Текис-равон кўчалар четларида пиёдалар йўлакларини барпо қилиниб, кўчатлар экилмоқда. Бу эса ёш кексани бирдек қувонтирмоқда.

Жараёнда маҳалла ахлининг энг катта муаммоси ҳал қилиниб, 5 км. масофадаги ичимлик сув қувурлари янгиланди, битта сув минораси қурилди. Электр таъминоти барқарорлигини таъминлаш учун 100 дан ортиқ симёғочлар бетон таянчларга, 4,5 км. эскирган электр тармоқлари замонавийсига алмаштирилди. Янги маҳалла гузари бунёд этилиб, ундаги соғломлаштириш клуби, мини-футбол майдончасида ёшлар спорт билан машғул. «Оталар чойхонаси» нурунийлар хизматида. Худуддаги 28-умумтаълим

мактаби қайта таъмирланиб, 120 ўринли кўшимча бино қурилмоқда. Бу билан таълим қамрови 100 фоизга оширилади. Айни пайтда янги мактаб биносида қурилиш-пардозлаш ишлари якунига етказилляпти.

Шунингдек, «Обод маҳалла» дастури Андижон туманидаги «Садда таги» маҳалласидаги йўл, ичимлик сув, электр энергияси ва ижтимоий инфратузилма билан боғлиқ кўп йиллик тизимли масалаларни ҳал қилиш имконини бермоқда.

Сухтасар айтганда, жорий йилда Андижон вилоятидаги иқтисодий-ижтимоий аҳоли нисбатан оғир 72 та қишлоқ-маҳалладаги 44,6 км. йўлга тош-шағал, 30,4 км. йўлга асфальт, 33 км. бетон қопламаси ётқизилди, 221 км. ичимлик сув тармоғи тортилди, 55 дона ичимлик сув иншооти таъмирланди, 42 та трансформатор янгиланди, 125 км. электр тармоғи тортилиб, 38 мингта симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари асосида вилоятдаги ижтимоий соҳа объектларининг 35 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган бўлса, яна 49 та объектда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Халқ қабулхоналари **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**даги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда аниқланган муаммоларни комплекс ҳал этиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Арнасой туманидаги «Бобур» маҳалласида рўй берган

ўзгаришлар 766 та оила, қарийб 3,5 минг нафар аҳолининг ҳаётига рўшнолик олиб келди.

Маҳалладаги 2 км. ички йўл, Ибн Сино ва Маърифат кўчалари асфальт қилинди, 1,6 км.дан зиёди шағалланди. 20 дона бетон-таянч ўрнатилиб, жами ҳисобда 3,5 км. ҳаво тармоқлари тортилди, яна шунча алоқа кабеллари ўтказилди, трансформаторлар янгиланди. Ўрикли кўчаси аҳолисига ичимлик сув етказиб берилди.

Марказдан олисдаги «Чинобод» маҳалласининг Қозоқовул, Чинобод, Мустақиллик кўчаларида яшовчи 100 та хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилиб, ҳисоблагич ва жўмрақлар ўрнатиб берилди. Маҳалланинг 2,2 км.лик 5 та кўчаси шағалланди, 2 км. марказий кўчага асфальт ва цемент ётқизилди. Тармоқларда олиб борилган янгилаш ва таъмирлаш ишларидан сўнг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, худуддаги 12-умумтаълим мактаби жорий таъмирланди.

«Гулзор» маҳалласи — Мирзачўл туманининг Айдарқўлга ёндош энг чекка аҳоли пункти. Йиллар давомида йиғилган муаммолар залворидан халос бўлиш нима эканини фақат мана шу ердаги 242 та хонадонда яшовчи инсонлар яхши тушунади. Мазкур маҳалладаги барча кўчалар таъмирланди: 4,5-5,5 метр кенликда 7 км.дан зиёд кўчага асфальт ва цемент, энг чекка Айдарқўл кўчасига шағал ётқизилди.

Шулар қаторида химояланган 3,2 км.лик ҳаво тармоқлари тортилиб, 55 дона таянч-бетон устунлар ўрнатилиши натижасида электр энергия, мунтазам ташиб келтирилиб, кўшимча баллонлар ажратилгани ордидан суюлтирилган газ таъминоти яхшиланди. 9,5 км.лик янги тармоқ барча хонадонларга ичимлик сув олиб келган бўлса, ақин ҳафталада 2 км.лик ирригация тармоқлари янгиланиб, оқар сув муаммоси барҳам топади.

«Қипчоқсув» маҳалласи — Фаллаорол тумани марказидан 50 чақирим олисдаги энг чекка худуд. Эътибор беринг, Қипчоқсув қишлоқ фуқаролар йиғини Хитоюз, Толлисой, Ширинбулоқ, Кичиксой, Солин, Каттасой, Қўрғончол, Қўшбулоқ, Сафарбулоқ, Довул, Наҳрач, Қайрағочли каби 12 та қишлоқдан иборат бўлиб, 38 та ички йўллар мавжуд. Шу пайтга қадар йўлларнинг асосий қисми тупроқ йўл бўлган. Ўтган даврда Хитоюз, Қўрғончол, Солин қишлоқларида ички йўллар кум-шағал аралашмали қаттиқ қопламага ўтказилди. Солин ва Толлисой қишлоқларини боғловчи йўлларнинг 1 км. масофаси бетонлаштирилиб, 1,2 км. қисмига асфальт ётқизилди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида Солин, Қўрғончол ва Каттасой қишлоқларининг ҳар бирида биттадан артезиан қудуғи қазилиб, Солин қишлоғида 6 км., Каттасой қишлоғида 1,5 км.ли ичимлик сув тармоғини тортиш ишлари давом эттирилмоқда.

Жараёнда «Қипчоқсув» маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб битказилди. Солин қишлоғида 180 ўринли 3-мактабга таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. 3 минг 694 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган тиббий масканда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди, янги деҳқон бозори қуришга киришилди. Энг олис Қўрғончол қишлоғидаги 40-мактаб 120 ўринли янги бинога кўчиб ўтди.

Рақамлар тили билан айтганда, Жиззах вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳоли оғир 28 та фуқаролар йиғини таркибидаги 40 дан зиёд қишлоқлардаги қарийб 230 км. йўлнинг аҳоли ўнгланди, 171 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 34 та сув иншооти янгидан қурилди, 6 та трансформатор янгиланди, 85 км. масофада электр тармоғи тортилиб, симёғочлар бетон устунларга алмаштирилди. Бундан ташқари, 62,5 км. алоқа тармоқлари ишга туширилган. 36 та ижтимоий соҳа объектларида 23,3 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, ушбу объектларнинг 19 таси фойдаланишга топширилган.

Бир сўз билан айтганда, йил якунига қадар бўёндкорлик ишлари олиб борилган қишлоқ ва маҳаллаларнинг 166 минг нафардан зиёд аҳолисини ўйлантириб келаётган кўп йиллик муаммолар барҳам топади.

Мансур АБДУСАТТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Аксар мурожаатлар жойида ҳал бўлди

Фурқат туманида ўтказилган навбатдаги сайёр қабулда 25 нафардан ортиқ фуқаронинг мурожаати эшитилди.



Мурожаатлар, асосан, моддий ёрдам, ишга жойлашиш, имтиёзли кредит, субсидиялар бериш, кўчаларни асфальтлаш ва соғлиғида муаммоси бўлган аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш кабиларни ташкил этди. Мурожаатлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш учун чора-тадбирлар белгиланди.

Фарғона вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси масъуллари фуқаролар сўровига асосан тикув машинаси олиб беришди.

Мухбиримиз.



# ЖАРАЁН

Эндиликда маҳаллаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлишининг аниқ белгиланиши келгусида амалиётда уларнинг мустақил тарзда шартномалар тузиш, ҳуқуқий муносабатларда алоҳида субъект сифатида тўлақонли иштирок этиш имкониятини яратади.

## Маҳаллалар юридик шахс мақомига эга бўлади



### ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ҚАТНАШЧИЛАРИ ЭКАНИ КЎРСАТИЛГАН БЎЛСА-ДА, АММО «ЮРИДИК ШАХС ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ» ТУШУНЧАСИ МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ЮРИДИК ШАХС ҲУҚУҚЛАРИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШЛАРИДАН ДАРАК БЕРМАЙДИ

**Биламизки, маҳалла тизими ислоҳ қилиниши баробарида унинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳасида маҳаллалар қонунчилигида белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказларида ҳисобга олинган кундан эътиборан юридик шахс мақомига ҳамда ўз номи ёзилган муҳрга ва банкда ўз ҳисобварақларида эга бўлиши назарда тутилмоқда.**



**Бахтиёр НОРОВ,**  
Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиши, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 78-моддасида эса фуқаролар йиғинлари юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари экани кўрсатилган бўлса-да, аммо «юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш» тушунчаси маҳаллаларнинг юридик шахс ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишларидан дарак бермайди. Хусусан, бу ҳолат амалиётда маҳаллалар томонидан шартномалар тузишда турлича талқин қилишга олиб келмоқда.

Бундан ташқари, «фойдаланиш» тушунчаси мулкдорнинг асосий ваколатларидан бири бўлиб, у ашёларни истеъмол қилишда намоён бўлади, аммо ашёларнинг тақдирини юридик жиҳатдан ҳал этиш, тасарруф этишни аниқлашмайди. «Эгалик қилиш» атамаси эса фуқаролик ҳуқуқида ашёга бевосита таъсир кўрсатиш имкониятини вужудга келтиради.

Эндиликда маҳаллаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлишининг аниқ белгиланиши келгусида амалиётда уларнинг мустақил тарзда шартномалар тузиш, ҳуқуқий муносабатларда алоҳида субъект сифатида тўлақонли иштирок этиш имкониятини яратади.

Ўз навбатида маҳаллаларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари доираси кенгайтирилмоқда.

Амалдаги қонунчилик бўйича маҳаллалар ҳудудда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, тегишли чоралар кўриш учун давлат органларига мурожаат этиш, улар ваколатига кирувчи масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳуқуқи эга эди.

Қонун лойиҳасида юқорида кўрсатилган ваколатлар билан бир қаторда, маҳаллаларнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, давлат органларининг қарорлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини, фуқароларнинг манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан давлат органлари мансабдор шахсларининг жамоатчилик эшитувини ўтказишга доир ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Қолаверса, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фаолияти устидан

жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш бўйича ҳам аниқлик киритилмоқда.

Жумладан, қонунда маҳаллалар жамоатчилик назоратини «Маҳалла тўғрисида»ги ҳамда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар асосида амалга ошириши назарда тутилмоқда. «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллалар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати шакллари таклиф этилмоқда.

Ушбу ваколатларнинг белгиланиши ҳамда маҳаллалар томонидан амалга оширилиши уларнинг халқ ва давлат органлари ўртасидаги кўприк вазифасини ўташига хизмат қилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Уйғурсой» барчани бағрига чорлади



**Поп туманининг энг обод маҳаллаларидан бирига айланган «Уйғурсой» йиғини бутун туман аҳлини ўз бағрига чорлади.**

Гап шундаки, жорий йил бошида вилоят бўйича 28 та оғир ҳудуддаги маҳаллаларни ривожлантириш бўйича алоҳида ҳудудий дастур қабул қилинган эди. Жумладан, «Уйғурсой» маҳалласида 23 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Бунда 10 км. ички йўллар шағаллаштирилди, 2 км. ички йўллар цемент-бетон қопламаси билан янгидан қурилди, 1 км. ички йўл асфальтлаштирилди, 18 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 1 та сув иншооти қайта реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, 2,1 км. электр тармоғи янгидан қурилиб, 2 дон

яңги трансформатор ўрнатилди, 70 дон таянч устунларни янги бетон таянч устунларига алмаштирилди. Маҳаллада пиёдалар йўлакчаси барпо этилиб, тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 29 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан 5 млрд. сўм маблағ ҳисобига ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун спорт (*workout*, *волейбол*, *баскетбол* ҳамда *футбол*) майдончалари барпо қилинди. Шу билан бирга, йиллар давомида қаровсиз бўлган Маданият биноси қайта таъмирланиб,

муҳташам Маънавият ва маърифат марказига айлантилди.

Маҳаллада оилавий шифокорлик пункти фойдаланишга топшилди. Келгусида мазкур маҳаллада хайрли ишларнинг давоми сифатида 5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ эвазига аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Ушбу кўркам масканнинг очиқлиги маросимида вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов, ички ишлар вазирлиги, вилоят ҳамда туман сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.


Мухбиримиз.



## ҚУЛАЙЛИК

Никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу ҳақда Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач, уларнинг сўровномасида кўрсатилган жойдаги ФХДЭ органи томонидан қайд этилади. Бунда фуқаролар ДХМга ўзларининг паспорт (ID-карта)лари билан келиб мурожаат қилади ва сўровномани электрон тўлдиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш тартибларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Уна кўра, туғилганлик гувоҳномаси олиш, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажрашиш билан боғлиқ расмийлик бўйича қатор қулайликлар яратилди.



## Никоҳ тузишда маҳаллани хабардор қилиш шарт эмасми?

НИКОҲ ТУЗИШ ВА НИКОҲДАН АЖРАТИШНИ ҚАЙД ЭТИШНИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИЛАДИ

### «МЕТРКА» ОЛИШ ЯНАДА ОСОНЛАШДИ

Биламизки, ҳозирги амалиётда туғилганликни қайд этиш бола туғилган, ота-онасидан бири-нинг доимий ёки вақтинча яшаш жойидаги ФХДЭ органида ёхуд Давлат хизматлари марказларида амалга оширилади. Бу жараён ҳамон бир нечта ҳужжатларни шахсан ФХДЭга тақдим этиш орқали кечади. ФХДЭ бўлимларида бир неча хизмат турлари кўрсатилиши сабабли ҳар бир фуқаро ва тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ходимлардан муайян вақт ва кучни талаб этади. Натижада гувоҳномани олишда фуқаролар бир неча кун бўлимга ташриф буюриши ва узун навбатларда туришига тўғри келади.

Эндиликда, қарорга мувофиқ, туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлимларида (ФХДЭ) қайд этиш тартиби 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2023 йил 1 июндан эса бутун республика ҳудудида жорий этилади. Бунда туғилганлик ҳолати ФХДЭ бўлимларида қайд қилинган ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан QR-код тасвири туширилган маълумотнома берилди ва ушбу маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилди.

ди ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилишни рад этиш тақиқланади.

**МУҲИМ ЖИҲАТ:** туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан, ФХДЭ бўлимлари томонидан белгиланган миқдорда герб йиғими ундирилган ҳолда расмийлаштирилиб берилади.

Шунингдек, ҳужжат билан никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун аризаларни Сирдарё вилоятидаги туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилади. Ҳуқуқий эксперимент 2022 йил 1 ноябрдан 2023 йил 1 июлгача амалга оширилади. Шунга кўра, қарор билан Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун давлат хизматлари марказлари орқали аризалар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик маъмурий регламент тасдиқланди. Ҳуқуқий эксперимент натижалари мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, 2023 йил 1 августга қадар Вазирлар Маҳкамасига

таклифлар киритилади.

**МУҲИМ ЖИҲАТ:** эндиликда никоҳга кириш ҳақида ариза берилганда никоҳланувчи шахсларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинини хабардор қилиш тартиби бекор қилинди.

Яна бир қулайлик: фуқароларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартиришда текширув ўтказиш учун ФХДЭ органи томонидан «ФХДЭнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали ички ишлар органларига сўровнома юбориш ва фикр олиш тартиби жорий этилади. Бунда икки ой муддатда мазкур платформа Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари ахборот тизимларига интеграция қилинади.

### НИКОҲ МАРКАЗЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Юқорида Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратишни қайд этиш учун давлат хизматлари марказлари орқали аризалар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик маъмурий

регламент тасдиқлангани қайд этилди. Хўш, ДХМ орқали аризалар қандай тартибда қабул қилинади? Фуқароларга бунинг қулайлиги нималарда намоён бўлади?

Регламентга мувофиқ, никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу ҳақда Давлат хизматлари маркази орқали мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтгач, уларнинг сўровномасида кўрсатилган жойдаги ФХДЭ органи томонидан қайд этилади. Бунда фуқаролар ДХМга ўзлари келиб мурожаат қилади ва сўровномани электрон тўлдиради. Сўровнома тўлдириш учун паспорт (ID-карта) бўлиши шарт.

Марказ орқали мурожаат қилинган пайтда тиббий кўриқдан ўтиш ҳамда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида ўқиш учун йўлланмалар берилди. Агар маълум сабабларга кўра, никоҳланувчиларнинг иккиси бир вақтда Марказга кела олмаса, улардан бири ариза қолдириши мумкин. Бу вазиятда кела олмаган шахснинг имзоси нотариал тартибда ёки ФХДЭ органи мудири томонидан тасдиқланган бўлиши лзим.

Сўровнома тўлдириш чоғида никоҳни қайд этганлик учун — БХМнинг 20 фоизи (60 минг сўм), гербли гувоҳномалар берганлик учун — БХМнинг 15 фоизи (45 минг сўм) миқдорида йиғим унди-

рилади. Қолаверса, никоҳни танта-нали вазиятда, жумладан, жойига борган ҳолда қайд қилганлик учун (сўровномада кўрсатилган бўлса) белгиланган миқдорда йиғим тўланади. Тўловлар электрон шаклда амалга оширилади, ФХДЭ органлари томонидан ҳар қандай тўловларни қабул қилиш ёки талаб қилиш тақиқланади.

**МУҲИМ ЖИҲАТ:** агар никоҳланувчилар никоҳ тузиш фикридан қайтса, тўловларни амалга оширган томоннинг аризасига кўра, тўланган пул маблағлари қонунчиликка асосан қайтарилади.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ жараёнлар ҳам юқоридаги тартибда амалга оширилади.

**Янги қодаларнинг жорий этилиши мавжуд тартибни соддалаштиради ва аҳолига қулайлик яратади. бюрократия ва расмийликни кўп бўлган жараёнларда орқатича овора бўлишга чек қўяди.**

С.ИСМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Бир маҳалла — бир маҳсулот»

Беруний туманидаги Навоий овул фуқаролар йиғинида «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Худудда 7 минг 647 нафар аҳоли истикомат қилади. Улар, асосан, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланади. Овулда сабзи етиштириш бўйича катта мактаб яратилган.

— Ғалладан бўшаган 10 гектар ер майдони ҳар бир ёшга 33 сотихдан ажратиб берилди, — дейди йиғиндаги ҳоким ёрдамчиси Мансур Уразалиев. — Шу билан бирга, уларга агротехник тадбирлар ҳамда экиш ишларида кўмаклашилди. Урточа ҳисобда 1 сотих жойдан 1 тонна маҳсулот

етиштириш мумкин. Демак, ҳар бир ёш мавсум давомида камида 15-20 миллион сўм даромад қилиш имкониятига эга. Улар етиштирган маҳсулотга харидор ҳам тайёр.

Ҳоким ёрдамчиси ташаббус билан худуддаги кам таъминланган оилаларга субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилиб, аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик истагидаги хотин-қизлар касб-хунар марказларида ўқитилиб, ишсиз ёшлар овулнинг ўзида иш топишига кўмаклашилмоқда.



КЎЗГУ

Яқин қариндошлар ўртасида никоҳ туфайли туғилган чақалоқлар кўпинча турли ирсий касалликлар билан дунёга келади. Қолаверса, бундай никоҳ натижасида бола туғма нуқсонлар билан туғилиши, ақлий ўсиши ёки жисмоний ривожланишида салбий ҳолатлар кузатилиши аниқланган.

КИМДИР ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР  
ЎРТАСИДАГИ НИКОҲ ОИЛАВИЙ «БОРДИ-  
КЕЛДИ»ЛАРНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ  
ДЕСА, КИМДИР БУНИНГ АКСИНИ АЙТАДИ:  
ОДДИЙ МАИШИЙ ЖАНЖАЛЛАР ҲАМ  
ЎРТАГА СОВУҚЧИЛИК ТУШИРАДИ

## Опа-сингилнинг қуда-андачилиги тақиқланади... (ми?)

**«Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Муҳокамаси 18 октябрга қадар давом этадиган лойиҳага асосан, Оила кодексига қатор ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмоқда.**

### ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛМАНГ!

Кодексга киритилиши режалаштирилаётган тегишли ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистонда ака-ука (опа-сингиллар)нинг қуда-андачилиги тақиқланиши мумкин. Аниқроғи, мазкур кодексга никоҳга монелик қилувчи сабаблар (16-модда) қаторига «ён шажара бўйича яқин қариндошлар ўртасида никоҳ» ҳам киритилмоқда. Оила кодексининг амалдаги қоидаларида эса ён шажара бўйича яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишни тақиқламайди. Кодекснинг 57-моддасига асосан, ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади. Очиги, айна масала анча вақтдан буён муҳокамалар марказида туради. Кимдир яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ оилавий «борди-келди»ларни янада мустаҳкамлайди деса, кимдир бунинг аксини айтади: ёш эр-хотин ўртасидаги оддий маиший жанжаллар ҳам оилалар ўртасига совуқчилик туширади. Яна бошқа тоифа вакиллари эса тақиқлаш билан бундай никоҳнинг олдини олиб бўлмаслиги, фақат тушунтириш-тарғибот орқалигина масалага ечим топиш мумкинлигини билдиради. Хуллас, фикрлар хилма-хил...

**Расмий статистикага қараймиз:** ФҲДЁ органлари маълумотларига кўра, 2021 йил июль-декабрь ойларида (негадир бу йилги маълумотлар ҳали эълон қилинмаган) республика бўйича жами 1 210 та яқин қариндошлар (529 та – холавачча, 307 та – тоғавачча, 178 та – амакивачча, 196 та – аммавачча) ўртасида никоҳ ҳолатлари қайд қилинган. Худудлар кесимида қариндошлар ўртасида тузилган никоҳларнинг ярмидан кўпроғи (59 фоизи) иккита худуд — Сурхондарё (343 та) ва Қашқадарё (371 та) вилоятларига тўғри келади. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда шаҳарларда қариндошлар ўртасида оила қуриш ҳоллари ўн фоизга, қишлоқ жойларида йигирма-йигирма беш фоизга етади.

### ҚАНДАЙ ХАВФ БОР?

Мутахассисларнинг фикрича, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ туфайли туғилган чақалоқлар кўпинча турли ирсий касалликлар билан дунёга келади. Қолаверса, бундай никоҳ натижасида бола туғма нуқсонлар билан туғилиши, ақлий ўсиши ёки жисмоний ривожланишида салбий ҳолатлар кузатилиши аниқланган. Шу боис бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун, авваламбор, ота-оналар этиборли бўлишлари зарур. Маълумотларга кўра, бир-бирига бегона бўлган эр-хотиннинг туғилажак боласига қараганда, қариндошлар ўртасида

туғилажак болада ирсий касаллик хавфи 3-4 баравар кўплиги кузатилади. Ирсий касалликлар боланинг ёшлигида билинмай, ёши ўтавергач, юзага чиқиши мумкин. Гоҳ фарзандларда кузатилмасада, невара, эвара ва кейинги авлодларда бўй кўрсатиши мумкин.

**Яна бир факт:** ўтган йили «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти (ҳозирги Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институти) қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш ҳолатлари ва унинг сабабларини ўрганиш мақсадида республиканинг 200 та туманидаги 6 974 та фуқаролар йиғини раислари ўртасида социологик сўров ўтказган. Сўровномада бундай оилаларнинг ҳаёти қандай кечаётганини аниқлашга қаратилган саволларга респондентларнинг 25,2 фоизда зиддият ва низолар учраб тургани, 24,9 фоизда ногирон фарзандлар борлиги, 8,9 фоизда муаммолар мавжудлиги (доимий қуда-андачиликдаги келишмовчиликлар бўлаётгани) билдирилган. Айтилишича, бундай никоҳларнинг 58,1 фоизи бобо-бувилар, 56,4 фоизи ота-оналар, 14,3 фоизи тоға-хола ва амаки-аммалар ташаббуси билан тузилган.

### КОДЕКСДА ЯНА НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Тақлиф этилаётган лойиҳага кўра, келгусида боладан алоҳида яшаётган ота(она)ларга янги

мажбурият юкланиши мумкин. Гап шундаки, кодекснинг 76-моддаси (Боладан алоҳида яшаётган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириши) биринчи қисмидаги «қатнашиш ҳуқуқига эга» жумласи «қатнашишга мажбур» тарзида ўзгартирилади. Яъни ота ёки оналар «боладан алоҳида яшаётган ота (она) бола билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга ҳамда унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашишга мажбур» қилинади. Шунингдек, фарзандликка олиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан талаблар кучайтирилмоқда. Жумладан, камида икки йил давомида ўзаро никоҳда бўлган шахслар, шунингдек, йигирма беш ёшга тўлган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкинлиги, фарзандликка бериш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин суд томонидан синов муддатини жорий этиш белгиланмоқда (152-модда).

**Ўйлаймизки, Оила кодексига киритилиши мўлжалланган янги тартиблар билан оилалар мустаҳкамлиги таъминланади, соғлом фарзандлар дунёга келади, ота-оналар масъулияти ошиб, ёшларнинг оилага, унинг эртанги келажагига бўлган қараши яхши томонга ўзгаради.**

Санжар ИБРОҲИМОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## Боғчаларга солиқ имтиёзи қандай ҳисобланади?

Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандига кўра, фарзандлари хусусий мактаб ёки боғчага борадиган ота-она (фарзандликка олувчилар)нинг ҳар бир фарзанди таълим олиши учун ойига 3 млн. сўмгача бўлган тўловларига солиқ солинмайди.

Масалан, ота (она)га унинг иш жойи бўйича ҳар ойда 1 млн. 200 минг сўм (10 млн. х 12 фоиз) даромад солиғи ушлаб қолинган ҳолда, 8 млн 800 минг сўм иш ҳақи

ҳисобланади. У бухгалтерияга 1 нафар фарзанди учун хусусий мактабга ҳар ойда 3 млн. сўм ўтказиш ҳақида ариза тақдим этди. Шунда 3 млн. сўмга солиқ

солинмайди. Бухгалтерия фақат 7 млн. сўмдан солиқ ушлаб қолади. Бунда солиқ 840 минг сўмни (7 млн. х 12 фоиз) ташкил қилади ва ота (она) солиқдан ойига 360 минг сўм тежайди.



## МУЛОҲАЗА

Ҳар қандай даргоҳнинг ўз формаси бўлади. Мактабда ҳам бўлиши шарт. Бизнингча, бу мавзуни йилдан-йилга чўзиб юравериш ярамайди. Чалкаш ва тушунарсиз қарорлар эса шундоқ ҳам қил учиди турган таълим тизимини мутлақо вайрон қилиши мумкин.

Ўтаётган ҳафта таълим соҳасидаги қатор янгиликларга бой бўлди. Аввало, олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни жорий этиш тартиби белгиланди. Таълим муассасаларида қишки таътилни ташкил этиш тартиби эълон қилинди. Унга кўра, декабрь ойининг охириги 10 кунлиги ва январь ойининг биринчи 10 кунлиги оралиғида ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари талаба-ўқувчиларининг ҳар йилги икки ҳафталик қишки таътили ўтказилади.

## Таълим тизими янада чалкашиб кетяпти



### ЧАЛКАШ ВА ТУШУНАРСИЗ ҚАРОРЛАР ЭСА ШУНДОҚ ҲАМ ҚИЛ УЧИДА ТУРГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МУТЛАҚО ВАЙРОН ҚИЛИШИ МУМКИН

Бу масала бир неча йилдан буён долзарб бўлиб келаётгани. Талабалар таътилга қачон чиқишларини аниқ билишмас, кўпчилик ОТМларда бу сана тахминан белгиланарди. Натижада барчаси сўнги саналарда эълон қилинган, талабаларнинг вилоятларга, уйларига етиб олишида бошқа муаммолар бўй кўрсатарди: самолёт ва поездга чипта топилмасди, таксичилар йўлқира нархини осмонга чиқариб кўярди. Барча жабр талабанинг ўзига ва ота-она зиммасига тушаётгани.

**«Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларининг қишки таътилини ташкил этиш тўғрисида»ги Ҳукумат қарорида** қишки таътил бошланишидан 10 кун аввал чиптанинг тўлиқ қийматидан 50 фоизли чегирма асосида республика ичидаги поездларга (юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар ва барча йўловчи поездларнинг СВ, ВИП вагонлари бундан

мустанос) ҳамда маҳаллий авиарейсларга чипталарнинг эконоом синфи тарифи қийматидан 50 фоизли чегирма асосида сотиш тавсия этилди. 2022 йилдан қишки таътил даврида ўқувчи ва талабаларнинг йўналишли шаҳарлараро автобус қатнови орқали ҳаракатланиши учун муддатли имтиёзлар тўпламини (чегирмали чипталар, акциялар) тақдим этиш тизими жорий этилди.

#### ЭНДИ МАКТАБДА РЎМОЛ МУМКИНИМИ?

Шубҳасиз, энг муҳим ва жамоатчилик ўртасида анча йиллардан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалага бағишланган ҳужжат 3 октябрь санасида қабул қилинди. **«Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори** билан 2022/2023

ўқув йилидан ягона мактаб формасини тўлиқ жорий этиш талаби бекор қилинди.

Шу кунни тасдиқланган «Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш концепцияси» доирасида «Янги Ўзбекистоннинг янги мактаби» ғояси асосида мактаблардаги ижтимоий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиши белгиланган.

Концепциядаги мақсадга эришиш учун, жумладан, мактаблардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилашда раҳбар ва педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлиги ва масъулиятини ошириш асосий вазифалардан бири, дейилган. Мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш йўналиши бўйича қатор мавзу ва ғоялар асосида ижодий ишлар танлови, туркум маънавий-маърифий, адабий-бадиий тадбирлар ташкил қилинади.

Жумладан, «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Давлат рамзлари – фахрим, ғурурим», «Давлат тили – миллат руҳи» ва ҳоказолар...

#### КИМДИР НИМАДИР ТУШУНДИМИ?

Тўғриси, мазкур қарордан тушунганларим жуда оз. Мактабларда ижтимоий муҳитни яхшилаш бўйича тадбирлар қарорсиз ҳам ҳамиша бажарилган. Қарорнинг ота-оналар ҳамкорлиги, масъулиятни ошириш тўғрисидаги қисми умумий гаплардан ўзга нарса эмас. «Мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлантириш» ташаббуси нима эканини тушуниш жуда қийин. Бу ҳамма мактабга борсин, деганими? Ёки ҳамма мактабга пул берсин, деганими?

Хуллас, шундоқ, Президент мактабларида Кембридж дастури асосида ўқиётган болалару бошқа жойларда Финляндия таълим дастурини тадбиқ қилишга уринилаётган

чалкаш замонда янада чалкашликларни келтириб чиқаришга йўналтирилган қарордек гўё.

Тушунганимиз — ягона мактаб формаси бекор қилинган. Яъни мактабга ҳар ким ўзи билган кийимида келиши мумкин ёки ҳар бир таълим муассасаси формани ўзи белгилайди. Янада чалкаш тарафи — ягона мактаб кийими жорий ўқув йили учунгина бекор қилинган. Бу дегани, ҳар йили август ойи охири — сентябрь ойи бошида жамиятни жунбушга келтирувчи мавзу юзасидан узил-кесил нуқта қўйилгани йўқ. Келгуси йили бу борада яна баҳслашамиз...

Умуман олганда, ҳар қандай даргоҳнинг ўз формаси бўлади. Мактабда ҳам бўлиши шарт. Бизнингча, бу мавзуни йилдан-йилга чўзиб юравериш ярамайди. Чалкаш ва тушунарсиз қарорлар эса шундоқ ҳам қил учиди турган таълим тизимини мутлақо вайрон қилиши мумкин.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## «Снос»га тушган уйни онлайн аниқлаш мумкин

**«Кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома»ни онлайн олиш мумкин. Мазкур хизматдан Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат қилиш ёки ЯИДХП (my.gov.uz) сайти орқали фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун Сиз дастлаб ЯИДХП (my.gov.uz)да рўйхатдан ёки авторизациядан ўтган бўлишингиз керак. Шунингдек, Сизга ягона идентификация рақами (OneID) ҳам керак бўлади.**

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун Сизга ариза тўлдириш учун максимум 6 дақиқа вақт кетади. Ушбу аризадан кўриб чиқиш учун Қурилиш вазирлигига сўров юборилади. Хизмат кўрсатишда ҳеч қандай ҳужжатлар талаб этилмайди. Хизматдан Ягона портал – my.gov.uz орқали фойдаланганда 10 фоиз чегирма тақдим этилади. Яъни ушбу хизматни кўрсатиш нархи – 13 500 сўм ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш

муддати эса – 3 иш кунни ҳисобланади.

Мазкур тартиблар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги «Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди тасдиқланган. Мазкур хизматдан фойдаланиш фуқаролар учун уй олди-сотдисиди жуда ҳам асқотади. Яъни бугунги кунда бузилиш режасига тушган уй-жойни сотиб олмаслик ва алданиб қолмаслик

учун ушбу маълумотларни билиб қўйганингиз фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, бундай маълумотнома олиш фуқароларга уй-жой сотиб олаётганда ёки уйни капитал таъмирлаётганда қулайлик яратади.

Илҳом ИШОНҚУЛОВ,  
Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш  
маркази бош мутахассиси.



ТАЪЛИМ

Масофадан туриб ўқиганда, бир неча курсларда бир вақтнинг ўзида таълим олиш имкони мавжуд. Электрон таълим пулни ҳам тежайди. Масалан, талабалар кундалик овқат, йўл харажатлари сарф қилмасдан уйда таълим олиши мумкин. Айниқса, ҳозирда талабалар учун энг оғриқли масала бўлиб турган тураржой муаммоси кузатилмайди.

# Талабалар онлайн таълим шаклида ўқиши мумкин

**ЭНДИГИ ВАЗИФА АНИҚ — БАРЧА ХУДУДЛАРДА СИФАТЛИ ИНТЕРНЕТ АЛОҚАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚУЛАЙ КРЕДИТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТИШ, ОТА-ОНАЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЗАРУР**



**Вазирлар Маъкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги «Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тартиби белгиланди. Хўш, ҳужжат нимаси билан аҳамиятли? Анъанавий таълимдан масофавий шаклга ўтиш жараёни қандай кечади? Бунда аввалги таърибада юзага келган муаммолар ечими қандай ҳал этилади?**

**МУАММОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРМОҚ ЛОЗИМ**  
Олий ўқув юртлирида масофадан таълим бериш шаклини жорий қилиш анча йиллардан буён режалаштириб келинаётган эди. Тўғрироғи, айрим ОТМларда бу шаклга босқичма-босқич ўтиш жараёни йўлга қўйилди. Пандемия мазкур жараённи тезлаштириб юборди. Юртимиздаги барча олийгоҳлар ўз сайти ва ижтимоий тармоқдаги каналларида, махсус платформаларда талабаларни масофадан ўқита бошлади. Бу жараёнда айна таълим шаклининг ютуқлари билан бирга, камчиликлари ҳам яққол кўзга ташланди.  
**Ютуғи шундан иборатки,** масофавий таълимда ҳар ким ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши мумкин. Бундай таълимда талаба ҳар куни ОТМга бориши шарт эмас. Шу билан бирга, бу тизим воситасида саломатлиги чеklangанлар, узоқ ҳудудларда яшовчи болалар, ҳатто маҳкумлар билан бирга бўлиб турган ёшлар ҳам таълим олиши мумкин. Катталарга эса масофавий таълимда ўз меҳнат фаолиятдан ажралмаган ҳолда таълим олиш ва малака оширишига имконият яратилади.  
Бундан ташқари, масофадан туриб ўқиганда, бир неча курсларда бир вақтнинг ўзида таълим олиш имкони мавжуд. Электрон таълим пулни ҳам тежайди. Масалан, талабалар кундалик овқат, йўл харажатлари сарф қилмасдан уйда таълим олиши мумкин. Айниқса, ҳозирда талабалар учун энг оғриқли масала бўлиб турган тураржой муаммоси кузатилмайди.  
Бундай таълим шаклида **камчиликлар,** аввало, коммуникация, масофавий таълим услубий материаллари, электрон ва одатдаги дарсликлар, аудио ва видео дарсликлар, онлайн дарслар (интернет саҳифа) электрон кутубхоналар, тестлар, мультимедиа электрон дарсликлар ва, албатта,

интернетга уланган компьютерда кўзга ташланади. Пандемия давридаги онлайн таълим жараёнида бизни айнан шу муаммолар қийнагани бор гап.  
Қолаверса, юртимизда интернет тезлиги билан боғлиқ шароит бир хил эмас. Пойтахтдаги интернет тезлиги билан вилоят интернет тезлиги билан туманлар марказини, туманлар марказидаги интернет тезлиги билан чекка қишлоқларни солиштириб бўлмайди. Шу боис томда дарс ўтаётган ўқитувчилар, «НР» ноутбук излаган талабалар кенг муҳокамаларга сабаб бўлдики, бу, албатта, бизнинг энг оғриқли нуқтамиз саналади.  
Шунингдек, кўпгина мутахассисликлар фундаментал билимларни талаб қилади. Жумладан, дипломини масофадан туриб ўқиш натижасида олган шифокорга бориб, даволанишни ҳеч ким хохламаслиги тайин. Бундан ташқари, онлайн таълим жонли алоқани, юзма-юз мулоқотни бузади. Замонавий технологиялар ҳақиқий «мавжудлик ҳисси»ни яратиш имкониятига эга эмас. Ўқитувчининг ҳаризми, оғзаки мулоқот, аудиториядаги муҳит ўқув жараёнида илҳом беради ва бу таълим сифатига энг кўп таъсир қиладиган омиллардан биридир. Шу билан бирга, талабаларни назорат қилиш имконияти қийин.

**ИШЛАЁТГАНЛАРГА ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИМИ?**  
Хуллас, онлайн таълимнинг шу каби ютуқ ва муаммолари бор. Бироқ бугун бутун дунёда масофавий таълим шакли анъанага айланиб бораптики, бундай формат малака ошириш, ўзига хос тор кўникмаларни ривожлантириш, янги дастурлар ва рақамли воситалар билан танишиш учун жуда қулай воситадир. Юқоридаги Ҳукумат қарори билан тасдиқланган «Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, юртимизда бундай таълим шакли жорий

этилади ҳамда **2022/2023 ўқув йилидан бошлаб,** давлат ОТМларида, **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** давлат ва нодавлат ОТМларида кадрлар тайёрлашга рухсат берилади.  
Низом билан масофавий таълим орқали олий таълим ташкилотларида бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрларни тайёрлашни ташкил этиш тартиби белгиланди. Бунинг учун таълим ташкилотидида қуйидагилар бўлиши талаб этилади:  
▪ масофавий таълимни бошқариш учун «Learning Management System» платформаси;  
▪ интернетга улашиш ва фойдаланиш учун ахборот-коммуникация инфратузилмаси;  
▪ ўқув йили учун мўлжалланган ўқув контенти;  
▪ фанларнинг электрон ўқув-методик мажмуалари ҳамда илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси;  
▪ компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида бино ёки аудиториялар;  
▪ техник ва дастурий компонентлар ишлашини таъминлайдиган муҳандис-техник ходимлар;  
▪ таълим ташкилотига тегишли бўлган, мамлакат ҳудудида жойлашган сервер қурилмаси;  
▪ таълим ташкилоти тўғрисидаги барча ахборотлар жойлаштирилган расмий веб-саҳифа.  
Масофавий таълим жорий этиш мумкин бўлмаган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари **ҳар йили 1 апрелгача** эълон қилинади.

Мазкур таълим асосида кадрлар тайёрлашда бир бакалаврият таълим йўналиши **300 нафар,** бир магистратура мутахассислиги **30 нафар** талабадан ортиқ бўлмаслиги лозим.  
Бунда мазкур талаб ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларида татбиқ этилмайди. Шунингдек, талабалар сонини аниқлашда хорижий давлат фуқароси бўлган талабалар ҳисобга олинмайди. Барча дарс машғулоти, амалиётлар ва талабаларни баҳолаш **LMS платформасида** амалга оширилади. Машғулотлар давлат таълим стандартлари асосида олиб борилади.  
Масофавий таълимда ўқишга қабул қилинган талаба ўқув жараёни бошланишидан аввал — **LMS платформасида рўйхатдан ўтиш** ҳамда ҳар семестр якунида — **якуний назорат топшириш** учун ОТМга келиши шарт. Шунингдек, якуний давлат аттестацияси, битирув малакавий ва магистрик иши ҳимояси бевосита олий таълим ташкилотидида анъанавий тарзда амалга оширилади, уларни синхрон ёки асинхрон режимида қабул қилишга йўл қўйилмайди.  
Масофавий таълим шакли **тўлов-контракт асосида** амалга оширилади. Ўқиш давомийлиги кундузги шаклдагидан кам бўлиши мумкин эмас. Иш фаолиятини масофавий таълим билан бирга олиб бораётган талабаларга семестр охирида якуний баҳолашдан ўтиш, битирувчиларга эса якуний давлат аттестациясини топширишда диплом ҳимояси учун **15 кун муддатга** иш ҳақи сақланган ҳолда таътил берилади.

**Хуллас, таълимнинг яна бир янги шакли — масофавий таълим абитуриентлар, талабалар, ота-оналар учун ўзига хос қулайликлар яратади. Ўқишда танлов имкониятининг ортиши яхши, албатта. Эндиги вазифа аниқ — барча ҳудудларда сифатли интернет алоқасини йўлга қўйиш, талабалар учун қулай кредит турларини таклиф этиш, ота-оналар масъулиятини ошириш зарур. Ўйлаймизки, масофавий таълим аввалги таърибадан келиб чиққан ҳолда, сифатли, керакли шаклда, барча учун тенг шароитда ташкил этилади.**

Санжар ИСМАТОВ.



## ЖАРАЁН

Халқаро бахтлилик индикаторларини ўрганиш ҳамда оилаларнинг бахтлилик индикаторини ишлаб чиқиш мақсадида институт томонидан ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилди. Бунда халқаро бахтлилик индикаторлари ҳамда Буюк Британия, Франция, Хитой, Бутан Қироллиги, Индонезия, Малайзияда жорий қилинган индекслар таҳлил қилинди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасида ислохотлар ҳамда соҳага доир Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. Дастурни амалга оширишда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш каби вазифалар белгилаб олинган.



## Миллий дастур қандай ижро этилмоқда?

**ТАҲЛИЛ ВА ЎРГАНИШЛАР НАТИЖАСИДА ОИЛАЛАРНИНГ БАХТЛИЛИК ИНДИКАТОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ. БУНДА ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ХАРАКТЕРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, СУБЪЕКТИВ ВА ОБЪЕКТИВ БАХТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ**

Дастур ижроси доирасида институтимиз иштирокида «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда БМТнинг «Никоҳ тузиш ва тан олиш тўғрисида»ги Гага Конвенцияси, шунингдек, АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Туркия сингари 20 га яқин давлатларнинг фуқаролик ва оила қонунчилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар, статистик маълумотлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ишлаб чиқилган таклифларнинг мазмун-моҳияти оилани мустаҳкамлаш, фарзандларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, шу жумладан, ёш шажара бўйича яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишнинг олдини

олишга оид нормаларни киритиш масалаларидан иборатдир. Шунингдек, халқаро бахтлилик индикаторларини ўрганиш ҳамда оилаларнинг бахтлилик индикаторини ишлаб чиқиш мақсадида институт томонидан ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилди. Бунда халқаро бахтлилик индикаторлари ҳамда **Буюк Британия, Франция, Хитой, Бутан Қироллиги, Индонезия, Малайзияда жорий қилинган индекслар таҳлил қилинди.** Таҳлил ва ўрганишлар натижасида оилаларнинг бахтлилик индикаторлари аниқланди. Бунда ўзбек миллатининг характери ва турмуш даражасидан келиб чиқиб, субъектив ва объектив бахт кўрсаткичлари инобатга олинди. Индикаторларни оилаларнинг бахтлилик даражасини аниқлашда муҳимлиги ва амалиётда самарадорлигини аниқлаш мақсадида Фарғона вилояти маҳаллаларидаги

хонадонларда тажриба-синов ўтказилди. Шунингдек, Миллий дастурнинг **92-бандида «Хонадон гигиенасини баҳолаш»** электрон платформани ҳамда ўз гигиенасини баҳолашига қараб ҳудудий харитани яратиш вазифаси илгари сурилган. Бу йўналишда ҳам **маҳаллалардаги хонадонларда санитария шароитлари (сув таъминоти, канализация, газ, электр энергияси)** билан таъминланганлик даражасини, турли авлод вакилларининг маиший гигиенага оид билим, муносабати ва кўникмалари даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот давомида учта гуруҳ кесимида жами 660 дан зиёд хонадонлар ўрганиб чиқилди. Биринчи — **шаҳар шароитида яшовчи аҳоли гуруҳига** Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри ва Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳри киритилди. Иккинчи — **тоғ ҳудудларида**

**яшовчи аҳоли гуруҳига** Наманган вилоятининг Косонсой тумани ва Тошкент вилоятининг Паркент тумани белгиланган бўлса, учинчи — **чўл ҳудудларда яшовчи аҳоли гуруҳидан** Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани ва Навоий вилоятининг Конимех тумани жой олди. Сўровнома уч авлод вакиллари (**бобо-буви, ота-она ва болалари**) бир бўлиб яшайдиган хонадонларда ўтказилди. Тадқиқот натижалари аҳолининг уй хўжаликларида санитария шароитини ташкил этиш ва таъминлашнинг гигиеник жиҳатларини ўрганиш, чиқиндиларни хавфсиз йиғиш, сақлаш ва утилизация қилиш, озик-овқатларни тўғри сақлаш, ошхона, ётоқхона гигиенаси, ҳожатхоналар ва ювиниш хоналарида тозалаш ва дезинфекциялаш технологиясига риоя қилиш бўйича билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган чора-тадбирларни

амалга ошириш кераклигини кўрсатди. Ҳозирда республикамизнинг ҳар бир ҳудудда «Оилада кундалик маиший гигиенанинг асослари» мавзусида Оила ва хотин-қизлар бўлими мутахассислари ҳамда оилавий поликлиникалар патронаж ҳамширалари учун тренинглари ўтказилмоқда. Ҳар бир вилоятда камида 25 нафардан соҳага оид тренерлар тайёрланиб, улар томонидан ҳар бир маҳалла фаолларининг соҳага оид билим ва кўникмалари шакллантирилади.



**Нодира ЭГАМБЕРДИЕВА,** «Оила ва хотин-қизлар» илмий-тадқиқот институти директори.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Мурувват уйи — меҳр-саховат масканидир

Нурота тумани Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан «Ҳаёт синовларида синалаётган инсонларга боқиб, ўзимизга ато этилган неъматларга ҳамиша шукр қиламиз» шиори остида «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



«Мурувват» интернат уйида жами 225 нафар турли ёшдаги руҳий ва бошқа тоифадаги ногиронлиги бўлган эркаклар даволанади. Шундан 15 нафари кекса нуронийлар ҳисобланади. Тадбир давомида 34 нафар даволанувчилар, 25 нафар маҳалла

фаолларига эсталик совғалари топширилди. Тадбирда Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Содиқжон Турдиев, туман ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.



ҲОЛАТ

Экспортчи корхоналарни очик танлов орқали саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури амалга оширилиши юқоридаги фармонда алоҳида белгилаб ўтилди.



# Давлат тадбиркорларга 5 миллион долларгача кўмак беради

ЭКСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР ТОВАРЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ТУШГАН УМУМИЙ ТУШУМДАГИ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИНГ УЛУШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР ҚўЛЛАНИЛАДИ

**Рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича талаблар Президентнинг жорий йил январь ойидаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида белгилаб қўйилган эди. Унда «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида 200 та экспортчини очик танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи илгари сурилган. Стратегия асосидаги ишларни амалга ошириш босқичма-босқич давом этапти.**

**ҚОВУН УРУҒИ ЭКСПОРТИГА РУХСАТ БЕРИЛДИ**

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида қандай тадбиркорлар рағбат олиши, экспортни қай шартлар асосида ривожлантириш масаласи аниқ дастурлар билан кўрсатиб ўтилган.

— Фармонга мувофиқ, 2022 йил 1 ноябрдан бир экспорт шартномаси доирасида келиб тушмаган валюта суммаси экспортга юкланган жами маҳсулот нархининг 5 фоизидан ошмаган тақдирда муддати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобланмайди ва тадбиркорга нисбатан жарима қўлланилмайди, — дейди Савдо-саноат палатаси ахборот хизмати раҳбари Дилфуза-бегим Рўзметова. — Экспорт ташкилотларига фойда ва айланмадан олинган солиқ базасини камайтириш шаклидаги имтиёзлар товарларни реализация қилишдан тушган умумий тушумдаги экспорт ҳажмининг улушидан қатъи назар қўлланилади. Қо-

вун, канакунжут, хантал ва махсар уруғлари экспортга рухсат берилади.

**«Янги Ўзбекистон — РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ЮРТИ»**

Биламизки, бугунги дунёда маҳсулотнинг сифати бош ўрин эгаллайди. Жумладан, экспорт масаласида бу масала ўта жиддий. Ҳозирда қатор халқаро бозорларда ўз ўрнимиз бор. Аммо бу ўринни кенгайтириш, мустақамлаш ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз сифатига бевосита боғлиқ. Шу боис экспортчи корхоналарни очик танлов орқали саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури амалга оширилиши юқоридаги фармонда алоҳида белгилаб ўтилди.

Дастурга киритилган экспортчи корхоналарга Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан экспорт олди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириши учун охириги 12 ойдаги экспорт ҳажмидан келиб чиқиб молиявий ёрдамлар кўрсатилади. Жумладан:

- ☑ экспорт ҳажми 1 миллион доллардан 5 миллион долларгача бўлганда – 1 миллион долларгача;
  - ☑ экспорт ҳажми 5 миллион доллардан 10 миллион долларгача бўлганда – 2 миллион долларгача;
  - ☑ экспорт ҳажми 10 миллион доллардан 15 миллион долларгача бўлганда – 3 миллион долларгача;
  - ☑ экспорт ҳажми 15 миллион доллардан 20 миллион долларгача бўлганда – 4 миллион долларгача;
  - ☑ экспорт ҳажми 20 миллион доллардан ортиқ бўлганда – 5 миллион долларгача;
  - ☑ битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиши учун уларга 30 минг АҚШ долларида кўп бўлмаган миқдорда кўшимча ёрдам кўрсатилади.
- Уйлаймизки, бу каби имтиёзлар мамлакатимизга халқаро ҳамжамият томонидан берилган қатор имтиёзлар, жумладан, Европа Иттифоқи томонидан тақдим этилган божсиз савдо имтиёзидан янада унумли фойдаланишда кўл келади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

**«ЁШЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ КўРСАТИЛАДИ?**

- ☑ моддий аҳволи оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам (БҲМнинг 4 бараваригача – 1,2 млн. сўмгача) берилади;
- ☑ ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган харажатларнинг 75 фоизигача қисми (бир ойгача БҲМнинг 4, бир ойдан икки ойгача БҲМнинг 8, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун БҲМнинг 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми) қоплаб берилади;
- ☑ тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёшларга фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда 30 фоизи, бироқ БҲМнинг 25 бараваригача (7,5 млн. сўмгача) бўлган қисми қоплаб берилади;
- ☑ республикадаги профессионал таълим ташкилотларида ўқиётган, шунингдек, Ўзбекистондаги барча олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг кундузги, сиртки ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларининг бир қисми қоплаб берилади;
- ☑ ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг 3 ой муддатгача нотурар жой ижара харажатлари учун БҲМнинг 50 бараваригача (15 млн. сўмгача) миқдорда қоплаб берилади.

**«Маҳалла тиббий пунктлари» аҳоли хизматида**

Яқинда Пайариқ тумани «Ғаллакор» маҳалласининг Қудуқча, «Кўлтўсин» маҳалласининг Кўл, «Шўртепа» маҳалласининг Наволи, «Тараққиёт» маҳалласининг Қорақалпоқ ҳамда «Наврўз» маҳалласининг Қарри қишлоқларида аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш учун «маҳалла тиббий пункти» ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди.



Қишлоқ аҳолиси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси таъминланганидан, узоқ йўли яқин бўлганлигидан миннатдор.

Бугунги кунда туманда 2 та шифохона, 2 та кўп тармоқли поликлиника, 3 та оилавий поликлиника, 15 та оилавий шифохона пункти, 1 та тез тиббий ёрдам маркази ва 13 та шохобчаси фаолият кўрсатмоқда.



## МУНОСАБАТ

Хорижий тажрибада шахсни қамоққа олишга санкция бериш, унинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилган. Шунга асосан, фармон билан «Хабеас корпус» институтини янада кенг жорий этиб, суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда қўриб чиқиш тартибини жорий этиш белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 24 августдаги «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан мулк дахлсизлигига қатъий риоя этилиши бўйича аниқ чоралар белгиланди.

## Мулк ҳуқуқи ишончли ҳимояда... (ми?)



КЕЙИНГИ 2,5 ЙИЛДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРГА ШАХСНИ ТУРАРЖОЙДАН РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА 8 МИНГ 954 ТА ДАЪВО АРИЗАСИ КИРИТИЛГАН. ШУНДАН 7 МИНГ 311 ТАСИ — 82 ФОИЗИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛГАН. БУНГА САБАБ — МУЛҚДОР ЎЗ ТУРАРЖОЙИГА РЎЙХАТГА ҚЎЙИЛГАН ШАХСНИ СУД ҚАРОРИСИЗ МАЖБУРАН РЎЙХАТДАН ЧИҚАРИШГА ҲАҚЛИ ЭМАСЛИГИ ЭДИ

Фармон билан белгиланган мулк ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш учун 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқларни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш, корпоратив муносабатлар соҳасида бир қатор тартиб, талаб ва чекловлар бекор қилинди.

2023 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида мулкдорга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарар, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиён республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси

**Олий суди жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи Азиз Абидов**нинг маълум қилишича, кейинги икки ярим йилда ҳокимларнинг ер ажратиш билан боғлиқ 2 минг 541 қарори бекор қилинган. Бу эса 2 минг 526 та ер участкасига, яъни 101 минг 358 гектар ерга бўлган ҳуқуқ суд қарорисиз бекор қилинишига олиб келган.

— Масалан, «Korean construction industrial group» масъулияти чекланган жамиятига Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йилдаги қарори билан «снос» эвазига 0,63 гектар ер ажратилган, — дейди А.Абидов. — Тадбиркор ушбу ерда қонуний тартибда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш маркази қуриб, ўз фаолиятини бошлаган. 2020 йилга келиб, 2017 йилдаги қарор Тошкент шаҳар прокурорининг протестига асосан, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан бекор қилинган. Тадбиркор бир йил давомида судлашиб, 2021 йил ноябрь ойида Олий суд судлов ҳайъати қарори билан шаҳар ҳокимининг 2020 йилдаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилганига ва ерга бўлган ҳуқуқи тикланишига эришган. Айни шу каби салбий ҳолатларни олдини олиш учун ҳам 2022 йил 1 сентябрдан юқоридаги ўзгаришлар киритилди.

Маълумотларга кўра, кейинги 2,5 йил ичида 20 минг 543 та ер участкаси, яъни 2,6 миллион гектар ер майдони «ердан ихти-

ёрий воз кечилганлиги ҳақидаги ариза»га асосан қабул қилинган ҳоким қарори билан захирага қайтарилган. Афсуски, амалда бундай қарорни ер эгасининг аризасини олмасдан ҳам қабул қилиш мумкин. Шу сабабли ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштириш тартиби бекор қилинди. Бунда ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

— Айтиб ўтиш кераки, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган мулкни қайтариш, яъни компенсация ундириш борасида 2021 йилда 597 та иш қўрилиб, уларнинг 454 таси ёки 76 фоизи қаноатлантирилган, — дейди А.Абидов. — 2022 йилнинг 6 ойида бу тоифадаги ишлар сони 2 баробардан ҳам ошиб, жами 1 минг 284 иш қўрилган, уларнинг 899 таси ёки 70 фоизи қаноатлантирилган. Ер участкаларининг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш бўйича ягона суд амалиётини таъминлаш ҳам муҳим масаладир. Шу сабабли фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида суд қарорларини умумлаштириш тадбири белги-

ланди. Хусусан, ер участкалари 2021 йил 1 августга қадар жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ҳамда компенсация тариқасида бошқа ер участкаси бериш назарда тутилган ҳолларда ушбу компенсация турини ўзгартириш мажбуриятини юклаш билан боғлиқ суд қарорлари ва уларнинг ижроси умумлаштирилиб, таҳлил қилинади.

Яна бир муҳим масала. Кейинги 2,5 йилда фуқаролик ишлари бўйича судларга шахсни тураржойдан рўйхатдан чиқариш бўйича 8 минг 954 та даъво аризаси киритилган. Шундан 7 минг 311 таси — 82 фоизи қаноатлантирилган. Бунга сабаб — мулкдор ўз тураржойига рўйхатга қўйилган шахсни суд қарорисиз мажбуран рўйхатдан чиқаришга ҳақли эмаслиги эди. Тураржой майдонининг ижтимоий нормаси қўлланилган ҳоллар истисно этилади. Ушбу норма мулк ҳуқуқини чеклайди ва эскирган. Шу боис фармон билан бу тартиб бекор қилинди. Мулк ҳуқуқлар ва қариндошлик алоқаларига эга шахсларга оид қоидалар бундан мустасно, албатта.

Бундан ташқари, ҳозирда 20 дан ортиқ давлат органи судларда фуқароларга нисбатан мулкий даъволар киритишда давлат божи тўлашдан озод қилинган. Кейинги 2,5 йилда давлат органлари ушбу имтиёздан фойдаланиб, 1,4 триллион сўмлик 63 минг 909 та даъво аризаси киритган. Шундан 588 миллиард сўмлик

14 минг 736 та даъво талаби судлар томонидан рад этилган ёки кўрмасдан қолдирилган. Бу эса айрим давлат органлари ўз имтиёздан фойдаланиб, етарли асослар бўлмаса ҳам судларга даъво аризалари киритаётганидан далолат беради.

Фармон билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида судда ўз мулкни ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволарини давлат божидан озод қилиш белгиланди. Бу даъво рад этилганда, давлат божи даъвогардан ундириб олинади. Шу билан бирга, фармонда гуноҳ қилинувчи, айбланувчининг мулк ҳуқуқларига нисбатан «Хабеас корпус» институтини қўллаш қўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бу ўринда суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини кўриб чиқиш учун судга киритиш ҳуқуқлари ҳақида сўз бормоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат — хорижий тажрибада шахсни қамоққа олишга санкция бериш, унинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилган. Шунга асосан, фармон билан «Хабеас корпус» институтини янада кенг жорий этиб, суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартибини жорий этиш белгиланди.

Мақсадбек ФАЙЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Ҳоким ёрдамчиси ҳисобот берди

Фориш туманида ҳоким ёрдамчилари маҳалла аҳлига ҳисобот бермоқда. Жумладан, «Оқтом» маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Абдор Воҳидов ўз фаолияти давомида амалга оширган ва ошираётган ишлари юзасидан маҳалла аҳли олдида ҳисоб берди.



Ҳисоботда қайд этилишича, 2022 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида маҳаллада 292 нафар кишининг бандлиги таъминланган. Бунда уларнинг 618 нафари доимий ишга жойлаштирилган, 242 нафари ўзини ўзи банд қилган, жамоат ва мавсумий ишларга эса 74 нафар фуқаро жалб этилган. Қолаверса, 37 та лойиҳага кредит, 10 нафар ишсизга субсидия

олишга қўмаклашилган. 124 нафар маҳалла аҳлига 31 гектар ер ажратилган бўлса, жами 87 та оилага ижтимоий ёрдам кўрсатилган.

Тадбирда маҳалла аҳли вакиллари сўзга чиқиб, ҳоким ёрдамчиси фаолиятини янада кучайтиришга доир таклифларини билдиришди.


Мухбиримиз.



ИЛМ-ФАН

Олимларимиз давлат иқтисодиёти учун муҳим бўлган йўналишларда иш олиб борапти. Баъзи изланишлар, тажрибалар, ютуқлар жуда кичикдек кўриниши мумкин. Аммо илм шуниси билан аҳамиятли. Унда катта ё кичик кашфиёт бўлмайди. Асосийси, изланишлар одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилсин.

# Саратоннинг давосини ўзбек олимлари топдимми?



## ЁХУД НОБЕЛЬ ҲАФТАЛИГИ ВА ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ИХТИРОЛАРИ ХУСУСИДА ДИАЛОГ



Швециянинг Стокгольм шаҳрида Нобель мукофоти ҳафталиги давом этмоқда. Илм-фан, тиббиёт, адабиёт, умуман, инсоният тараққиётига юксак ҳисса қўшганлар ўз номларини шон-шарафга буркашапти.

Нобель мукофоти тиббиёт ва физиология йўналишида Макс Планк эволюцион антропология институти академиги Сванте Паабога, физика бўйича Париж-Сакле университети академиги Алан Аспе, Берклидаги Калифорния университети доктори Жон Клаузер ҳамда Массачусетс технология институти академиги Антон Цайлингерга, адабиёт бўйича француз ёзувчиси Анни Эрнога, кимё бўйича Стэнфорд университети профессори Каролин Рут Бертоцци, Копенгаген университети профессори Мортен Мельдаль ҳамда Массачусетс технология институти академиги Барри Шарплессга, тинчлик бўйича беларуслик ҳуқуқ фаоли, ҳозирда қамоқда бўлган Алес Беляцкий, Россиянинг «Мемориал» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти ва Украинанинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Фуқаро эркинлиги маркази» ташкилотига берилди. Умуман, ҳафта шу каби муҳим янгиликларга бой бўлди. Юксак эътирофга сазовор бўлган хорижлик олимлар эришган ютуқлардан ҳайратланиш билан бир қаторда Ўзбекистонлик тадқиқотчилар амалга ошираётган ишлар билан қизиқдик.

### САРАТОННИНГ ДАВОСИ...

— Тўғри, илмий-тадқиқот ташкилотларида яратилган технологик ишланмаларни мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига жорий қилишда ҳалигача амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кўп, — дейди **Ўзбекистон Фанлар академияси матбуот хизмати раҳбари Моҳирахон Жуманова**. — Ютуқлар бор. Масалан, Физика-техника институти томонидан ишлаб чиқилган, технологик жараёнларда пайдо бўладиган иссиқликни электр энергиясига айлантиришга мўлжалланган янги Термоэлектрик генератор қурилмаси катта қизиқиш уйғотмоқда. Олмалик кон-металлургия комбинати чиқиндилардан электр энергияси олиш учун мазкур қурилмани ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўряпти. Ядро физикаси институти томонидан лютеций-177 радионуклиди асосида ишлатишга тайёр лютеций-177 ПСМА-617 препарати яратилган. Препарат клиник синовлардан ўтди. Фармацевтика кўмитаси рўйхатга олди. Республикамиз клиникаларига етказиб бериш бўйича шартномалар тузилмоқда. Мазкур радиофармпрепарат дунёда саратоннинг турли кўринишларини даволашда инновацион ечим сифатида

ишлатилади. *Препаратни Япония, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилиш масаласи кўриб чиқилапти.*

Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан антиандроген модда асосида простата беши саратонини даволаш учун комбинацион препарат – Андрофер кашф қилинган. У ноҳўя таъсирсиз, патентланган юқори самарали дори воситасидир. Экдистен, Эксумид БФҚ, Кукумазим дори воситалари, ПЦР гепатит С, ПЦР энкор, ПЦР сорэкс, ПЦР Sars/Cov-2 клиник синовлар жараёнидаги дори воситаларига Республика онкология маркази шифокорлари, невропатолог шифокорлар, болалар шифокорлари каби тиббиёт ходимлари қизиқиш билдирмоқда.

### ИССИҚЛИК ТЕЖАЙДИГАН ИССИҚХОНА...

Материалшунослик институти олимлари яратган саноат ва ҳўжалик иншоотларини (юқори босимли қувурлар, кўприклар, технологик миноралар ва бошқалар) қуришда ишлатилган 4 мм. ва ундан ортиқ қалинликдаги конструкцион пўлат металллар ва аралашмаларни ортиқча ҳаражатсиз (ариқ очиш, бир неча марта пайвандлаш) бир ўтишда сифатли пайвандлаш чоқини ҳосил қилиш учун 12 турдаги

фаоллаштирувчи флюслар ишлаб чиқарувчилар диққат марказида бўлди. Пайвандланаётган металлга қараб махсус флюслардан фойдаланиш пайванд чоқининг бир метр ҳаражатини 14 АҚШ доллариан 20 АҚШ долларигача ва уларни ишлаб чиқариш вақтини 70 фоизгача камайтиришга имкон беради. Мазкур технология Европа Иттифоқида патентланган.

Институт ишланмаларидан яна бири — ҳароратни мўътадиллаштирувчи нанокөмпозицион тасма ҳароратни фасл мавсумидан қатъи назар 24-27 С га мўътадиллаштиришга интилади. Иссиқхона учун энергия сарфи 60-100 фоизгача қисқаради. Ҳосилдорлик 30-45 фоизга ортади. Суғориш суви сарфи 30 фоизга камаяди, гидрогеллар қўлланилганда 70 фоизгача сув тежаллади. Бу технология Евроосиё патентига эга. Ишланмалар асосида Тошкент вилояти ҳокимлиги билан 1,870 миллион сўмлик шартномалар тузилган.

### ПАХТАМИЗНИ КўРТ ЕМАСИН...

Кўсак қурти сонини иқтисодий зарар келтириш мезонидан ошмайдиغان даражада назорат қилиш учун мўлжалланган, ғўзанинг асосий зараркунандаси бўлган – кўсак қуртига қарши, патентлар билан ҳимоялан-

ган биологик восита Зоология институтида намойиш этилди. Ишланманинг дала синовлари амалга оширилиб, 97,5 фоизгача биологик самарадорлиги қайд этилди ва препаратнинг иқтисодий самарадорлиги гектарига 129 340 сўмни ташкил этади.

Умуман, Фанлар академияси таркибидаги муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ютуқлар кўп. Уларнинг барчасини битта мақолада жамлаштириш қийин. Биз амалий аҳамияти юқори бўлган бир нечасини санаб ўтдик, холос.

Хуллас, олимларимиз давлат иқтисодиёти учун муҳим бўлган йўналишларда иш олиб борапти. Баъзи изланишлар, тажрибалар, ютуқлар жуда кичикдек кўриниши мумкин. Аммо илм шуниси билан аҳамиятли. Унда катта ё кичик кашфиёт бўлмайди. Асосийси, изланишлар одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилсин. Аминмизки, қачондир ўзбек олимларининг номлари ҳам Стокгольмдаги юксак минбардан янграйди. Олимларимиз Нобелчилар қаторидан ўрин олади. Қалбларимиз ғурурга тўлади. Зеро, биз инсоният тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган улўғ алломаларнинг авлодимиз.

Улўғбек ИБОДИНОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

## Кимлар мол-мулк солиғини тўламайди?

**Қонун қоидаларига кўра, қуйидаги фуқаролар мол-мулк солиғини тўлашдан тўлиқ озод этилган:**

- ☑ «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган фуқаролар;
- ☑ уруш ногиронлари ва қатнашчилари;
- ☑ ҳарбий хизмат ёки ички ишлар органларидаги ва Миллий гвардиядаги

хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яралангани, контузия ёки майиб бўлгани оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ва Миллий гвардия ходимларининг ота-оналари ҳамда бева хотинлари

(бева эрлари) (бева хотинларга (бева эрларга) солиқ имтиёзи фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади);

☑ энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган тураржойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган

ойдан эътиборан уч йил муддатга;

☑ етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар (мазкур имтиёз етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар 23 ёшга тўлгунга қадар амал қилади).



## ТАБИАТ ВА БИЗ

Ҳозир ҳар қандай ишингизни қўйиб, зудлик билан хазондан ҳар бири пишган ғишдай келадиған ўтин (брикет) тайёрласа бўладиган қўлбола тахтакач-дастгоҳ ясашингизни маслаҳат берган бўлардик. Чунки ҳозир бундай ўтинлар тайёрлаб олишинг айна пайти.

Хазонларни ёқмасдан улардан мақсадли фойдаланишнинг минглаб усуллари бор. Энг асосийси, уларнинг ичидан атроф-муҳитга зарар бермасдан, инсонлар соғлиғини сақлаган ҳолда фойда келтирадиган йўлни танлаб олишдир. Ижтимоий тармоқларга кирсангиз, хазонлардан фойдали ва тежамкор экологик тоза маҳсулот олишнинг оддий уй шароитида амалга ошириш мумкин бўлган минглаб усуллари кўрсатиб берилган.



## ХАЗОНРЕЗГИ МАВСУМИ БОШЛАНЯПТИ:

# Текин ресурсларни яна беҳуда ёқиб юбораверамизми?

**Болалигимизда куз келди, дегунча, дадам бир неча ўра ковлатиб, хазонларни кўмдирарди. Келгуси баҳорда ўша жойга экилган кўчатлар табиий чириндидан куч олиб, шиддат билан ўсиб кетган. Чиринган барглари билан бойитилган ер енгил бўлади ва ўсимлик илдизларига ҳаво яхши етиб боради. Шу билан бирга, шириндан-шакар полиз меваларини ҳеч қандай кимёвий ўғитларсиз етиштириш имкони туғилади.**

Ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ўрмонларда йиллар давомида тўпланган барг-хазон ўсимликлар ва ҳайвонлар учун қулай экологик муҳит яратади? Демак, хазон чиқинди эмас, балки табиатда озуқа-вий модда алмашинувининг муҳим иштирокчисидир. Хазон чириндилари билан бойиган тупроқда чувалчанглари тез кўпаяди, чиринди улар учун озуқа ҳисобланади. Бунда тупроқнинг органик таркиби сифат жиҳатдан яхшиланади.

Хазон таркибида кўп миқдорда азот моддаси мавжуд бўлиб, бу борада қуриган баргдан ҳосил бўлган чиринди бемалол бошқа табиий ўғитлар билан беллаша олади. Демак, хазондан тайёрланган ўғитлар ҳосилдорликни оширишда катта самара беради. Айниқса, ҳозирда юртимизда эълон қилинган «Яшил макон» дастури доирасида бу услубдан самарали фойдаланиш мумкин. Зеро, хазондан тайёрланган ўғит намликни сақлашда муҳим ўрин тутаяди.

Шунинг учун хазонларни ёқиш дунёнинг қатор мамлакатлари қонунчилигида тақиқланган бўлиб, бундай ҳаракатни содир этганлар учун катта жарималар белгилаб қўйилган. Демак, биз, аслида, хазонларни эмас, табиий экологик ўғитни, инсонлар саломатлигини, яқинларимиз нафас олаётган тоза ҳавони ёқиб юбормаепмизми?!

### ХАЗОНДАН ТАБИЙ ЁҚИЛГИ ОЛИШ МУМКИН

Ҳозир ҳар қандай ишингизни қўйиб, зудлик билан хазондан ҳар бири пишган ғишдай келадиған ўтин (брикет) тайёрласа бўладиган қўлбола тахтакач-дастгоҳ ясашингизни маслаҳат берган бўлардик. Чунки ҳозир бундай ўтинлар тайёрлаб олишнинг айна пайти. Битта бундай дастгоҳни ясаш учун энлироқ тахта бўлақлари, бошдан охиригача бураладиган тўртта узун «болт», саккизта «шайба», саккизта «гайка», уни қотириш калити керак, холос.

Йиғилган хазонга ёқилғи-мой маҳсулотлари чиқиндисини сепиб бироз намлайсиз ва дастгоҳ қолипига жойлагач, қопқоғи билан яхшилаб босганча, «гайка»ларини бураб, қотириб зичлайсиз. Бироздан сўнг дастгоҳнинг қопқоғини очиб, ичига яна хазон соласиз-да, такрор зичлайсиз. Ушбу ишни то зичланган хазон тўплами ғиш қалинлигига етгунча такрорлайсиз. Тахминан ҳар олти соатда дастгоҳдан хабар олиб, «гайка»ларини бураб, қотириб борасиз.

Чунки хазон зичлашган сари дастгоҳнинг уни босиб турган қопқоғи ўзидан ўзи бўшаб бораверади. Зичланиш давомида хазон билан ёқилғи-мой маҳсулоти ўртасида диффузия жараёни кечиби, қаттиқ ўтинга(брикет)га айланади. Хазон орасига кераксиз қоғоз чиқиндилари, пайраха, кўмир кукунидан тайёрланган лой каби ёнадиган материалларни ҳам аралаштириб юбориш мумкин. Дастгоҳда зичланган хазон 2-3

кунда етарлича қаттиқ ўтин ҳолатига келади. Уни дастгоҳдан аста ажратиб олиб, ёмғир тегмайдиган қуруқ жойга тахлаб қўяверасиз. Бундай «ғишт» ўтин печка ичида узоқ ёниб, хонадонингизга иссиқлик беради.

### ХОРИЖДА НИМА ҚИЛИШАДИ?

Эколог мутахассисларнинг айтишича, дарахт барглари ўзининг қисқа умри давомида атмосферадаги барча заҳарли моддаларни ютади. Улар ёқилганда эса ана шу моддаларнинг бари янада заҳарлироқ ҳолатда ҳавога кўтарилади. Аммо технологиялар ривожланишнинг чўққисига чиқаётган бугунги замонда хазондан ҳам фойда олаётган мамлакатлар кўп.

Масалан, Германияда тўкилган барглари хонадонларни иситиш учун фойдаланишади. Биомейлер ёки компост иситиш тизими орқали хазонлардан жудаям кўп миқдордаги энергия ажратиб олинади. Бундай компост билан иситиш манбаларида ҳарорат ҳаттоки 60 даражагача чиқади. Бу эса компост ёқилгидан бемалол иссиқ сув етказиб беришда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Вена (Австрия) шаҳрида экологик тоза завод жойлашган бўлиб, унда қуриган шохлар ва япроқлар қайта ишланади. Бу завод ҳавони ҳам, атроф-муҳитни ҳам ифлослантормайди. Кўриниши эртақдаги уйчаларга ўхшаш бу жойнинг архитектураси кучли дизайнерлар томонидан ишлаб чиқилган. Завод Вена шаҳридаги 170 мингга уйни иссиқлик билан таъминлайди.

АҚШда эса ҳамма дарахтлар баргини тўкиб бўлгачгина хазон йиғиб олинади. Буни тежамли ва оқилона ечим, десак хато бўлмайди. Боғлар ва парклардаги хазонлар эса олинмайди. Улар келгуси йилда ер ва ўсимликлар учун табиий озуқа вазифасини бажаради. Рига (Латвия) шаҳрида эса одамлар октябрь ойининг охириларида бошлаб тўкилган барглари йиғиб, махсус жойларга топширади. Улар моддий рағбатлантирилади.

Хуллас, хазонларни ёқмасдан улардан мақсадли фойдаланишнинг минглаб усуллари бор. Энг асосийси, уларнинг ичидан атроф-муҳитга зарар бермасдан, инсонлар соғлиғини сақлаган ҳолда фойда келтирадиган йўлни танлаб олишдир. Ижтимоий тармоқларга кирсангиз, хазонлардан фойдали ва тежамкор экологик тоза маҳсулот олишнинг оддий уй шароитида амалга ошириш мумкин бўлган минглаб усуллари кўрсатиб берилган.

Ҳаётимизни ҳеч ким четдан келиб яхшилаб бермайди. Қулайликни ўз қўлимиз билан, оддий нарсалардан ярата олишимиз мумкин. Шундай экан, ҳозирроқ қиш тадоригини кўриб қўйишга шошилиш.

Энг асосийси, бунда сиздан ҳеч қандай маблағ талаб қилинмайди. Ажаб эмас, яқин орада юртимизда хазондан «брикет», табиий ёқилғи ишлаб чиқариш корхоналари кўпайиб қолса.

Саида ИБОДИНОВА.

БИЛАСИЗМИ?

## «Буржоқ»да туб бурилишлар бўляпти

Дарахтлар ва буталарни кесишга мораторийнинг амал қилиши мuddатсиз даврга узайтирилган.

Мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда ҳуқуқбузарларга:  
✓ мораторий талабларини бузганлик

учун маъмурий жарималар миқдори 5 бараварга;  
✓ дарахтлар ва буталарни кесиш ва шикастлантириш билан етказилган зарар учун ундириш суммалари 2 бараварга оширилган ҳолда

қўлланилади.  
Дарахтлар ва буталарни кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳукумат

фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоровий ҳужжатлар, ҳокимларнинг кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади.



ТАҚҚОС ВА ТАҲЛИЛ

Японияда назарий дарсларда иштирок этиш жуда муҳим бўлиб, ҳар бир дарс якунида ўқувчининг шахсий варақасига муҳр босилади. Бу унинг ўша кунги маърузада тўлиқ иштирок этганини билдиради.

# Хорижда ҳайдовчилик гувоҳномаси қандай олинади? Бизда-чи?

**БРИТАНИЯДА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛИШ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛГАН ШАҲС 20 МЕТР МАСОФАДАН АВТОМОБИЛЬ РАҚАМИНИ ЎҚИЙ ОЛИШИ, ПАСПОРТ ВА МАНЗИЛНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТ КАБИ ШАҲСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ КЕРАК**

**Биламизки, машина бошқаришдан олдин номзод махсус марказда таълим олади. Йўл қоидаларини ўрганиш баробарида машина бошқаришни машқ қилади. Шундан сўнг икки босқичли имтиҳон асосида гувоҳномага эга бўлади. Юртимиздаги барча ҳайдовчиларни ана шундай қонуний ва ҳаққоний йўл билан гувоҳнома олган, дея олмаймиз. Боиси бу соҳадаги қинғир йўллар, коррупцион ҳолатлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бунинг олдини олиш учун кўрилатган чоралардан, киритилаётган ўзгартиришлардан хабардормиз. Келинг, яхшиси хорижий мамлакатларда ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш жараёни билан танишайликда, сўнг ўзимиз учун хулоса чиқарайлик.**

**ИККИ ЙИЛЛИК СИНОВ ДАВРИ**

Германияда ҳайдовчилик гувоҳномасининг деярли барча тоифаларига мурожаат қилиш учун номзод, аввало, кўз касалликлари бўйича мутахассис хузурига бориб, кўз текширувидан ўтиши керак. Агар соғлиғида бирон муаммо бўлса ёки «С», «Д» тоифали лицензияга ариза топширмоқчи бўлса, кўшимча тиббий кўриқдан ўтиши сўралади. Шунингдек, даъвогарлар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш курсида ўқиши керак.

Германияда назарий ва амалий имтиҳонлар ҳайдовчилик мактаблари орқали ўтказилади. Ушбу тестни топшириш учун ҳайдовчилик мактабида ўқиётганликни тасдиқловчи ҳужжат бўлиши лозим. Янги ўрганувчилар, албатта, дарсларда қатнашиши шарт. Қонунчиликка кўра, номзод камида 14 та назарий ва 12 та амалий машғулотларда иштирок этиши лозим. Бу дарсларни яқунлагандан сўнггина имтиҳон учун ариза топшириши мумкин бўлади. Номзод тайёр бўлганида ҳайдовчилик мактаби назарий тестларни ташкил қилади. Тест 30 та кўп вариантли саволдан иборат бўлиб, жами 110 балл берилади. Бунда 100 балл тўплаш лозим.

Амалий имтиҳон ҳайдовчилик мактабида ўтказилади. Назарий тестдан муваффақиятли ўтган

номзод кейинги 12 ой ичида амалий тестдан ўтиши мумкин. Мурожаат қилинаётган лицензия тоифасига қараб, тест одатда 30 дан 75 дақиқача давом этади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтганларга вақтинчалик қоғоз ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади. Доимий лицензияни олиш вақт талаб қилади: одатда тўрт ҳафта ичида тайёр бўлади.

Гувоҳнома олган ҳайдовчи дастлабки икки йил ичида «синов муддатида» бўлади. Яъни бу даврда бирон-бир қоидабузарликка йўл қўйиш лицензиядан айрилишга олиб келиши мумкин. Синов даврида спиртли ичимликларни истеъмол қилиш тўлиқ тақиқланади.

**ЯПОНИЯДА УЧ КАРРА ИМТИҲОН!**

Японияда анъанавий ҳайдовчилик мактабларидан ташқари, жуда қисқа вақт ичида гувоҳнома олишни истаганлар учун «гасшуку менкё» тунги «лагерлари» мавжуд. Бундай мактаблар интенсив ўрганиш учун бўлиб, 2 ҳафта ичида лицензия олиш имконини беради.

Японияда назарий дарсларда иштирок этиш жуда муҳим бўлиб, ҳар бир дарс якунида ўқувчининг шахсий варақасига муҳр босилади. Бу унинг ўша кунги маърузада тўлиқ иштирок этганини билдиради. Дарсларни қолдирмаганлик ана шу босилган муҳрлар орқали аниқла-

нади. 12 соатлик мактаб курси ва 13 соатлик курс ишларидан сўнг, 50 та саволли оралиқ тест олинади. Синовда 45 баллдан юқори (бу камида 45 та саволга тўғри жавоб) олганларгина кейинги босқичга ўтади. Ийқилганлар бўлса қайта имтиҳон қилинади. Бунинг учун кўшимча 4500 иен тўлов қилинади.

2-босқичда 19 соат ҳайдаш ва 16 соатлик курс иши талаб қилинади. Амалий дарслар баробарида биринчи ёрдам кўрсатиш курси ўқитилади. Шундан сўнг якуний имтиҳон бўлади ва унда 90 баллдан юқори олганларгина ўтган ҳисобланади. Буларнинг барчаси амалга оширилгандан сўнг, ҳайдовчилик мактабини тамомлагани тўғрисида сертификат берилади. Ушбу ҳужжати борлар ҳайдовчилик марказида амалий имтиҳондан озод қилинади. Бироқ ҳайдовчилик марказида якуний имтиҳон топширилиши керак. Муваффақиятли ўтганлар шу куннинг ўзида лицензияга эга бўлади.

**АМАЛИЙ ИМТИҲОН МАНЕВРЛАРИ**

Британияда ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун мурожаат қилган шахс 20 метр масофадан автомобиль рақамини ўқий олиши, паспорт ва манзилни тасдиқловчи ҳужжат каби шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши ке-

рак. Маълумотларга кўра, ўртача британиялик ҳайдовчи ҳайдашни ўрганиши учун тахминан 45 соатлик назарий билим олади ва кўшимча 22 соатлик машина билан амалий машқ қилади.

Бу ерда ҳам ҳайдовчилик имтиҳони назарий ва амалий тарзда олинади. Назарий имтиҳон икки қисмдан иборат. Биринчи қисм 50 та кўп танловли саволлардан иборат бўлиб, уларда Йўл кодекси, йўл белгилари ва асосий ҳайдаш кўникмалари қамраб олинади. 50 та саволдан иборат тестни 57 дақиқада яқунлаш лозим. Саволлардан эса камида 43 тасини тўғри топиш шарт. Иккинчи қисм — хавфни идрок этиш тести. Бу қундалик йўл сахналари ва камида битта ривожланаётган хавфни акс эттирувчи 14 та видеоклипларни ўз ичига олади. Ривожланаётган хавфни тўғри аниқлашнинг керак ва уни қанчалик тез аниқлаганингизга қараб балл берилади. Жами 75 балл мавжуд ва сиз камида 44 балл олишингиз лозим.

Имтиҳонларнинг ҳар иккала қисмидан ҳам ўтиш лозим, акс ҳолда амалий қисмига ўтилмайди ва назарийни қайта топшириш талаб қилинади. Назарий имтиҳондан ўтгач, ўқитувчи сизни тайёр деб ҳисоблаган вақтда (2 йил ичида) амалий имтиҳон топшириш мумкин.

У.ИБОДИНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## «Буржоқ»да туб бурилишлар бўляпти

Олот туманидаги «Буржоқ» ва «Кесакли» маҳалла фуқаролар йиғинлари жорий йил «Обод қишлоқ» дастурига киритилган. Дастур доирасида биргина «Буржоқ» йиғинида кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.



Маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча маблағлари ҳисобидан 15-умумтаълим мактаби реконструкцияси учун 1 миллиард 453 миллион сўм, янги оилавий шифокорлик пункти қурилиши учун 1 миллиард 600 миллион сўм ажратилди. Республика бюджети маблағларидан 8 километр ички кўчаларини таъмирлаш учун 3 миллиард 555 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, дастурга асосан, маҳалланинг 3,5 километр электр тармоқлари ва таянч устунлари янгиланади.

— Бугунгача маҳалладаги 1 километр йўлга асфальт ётқизилди, — дейди «Буржоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамиджон Авезов. — 2,3 километр йўл бетонлаштирилди. 3,2 километр йўлга шағал ётқизилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида маҳалла ҳудудидаги 109 таянч-бетон устунлар янгисига алмаштирилди. 2,7 километр электр узатиш тармоқлари янгиланди. 1 дона янги трансформатор ўрнатилди. Ташаббускор тадбиркорлар

ва аҳолининг 1 миллиард 465 миллион сўм маблағи эвазига аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида маҳалладаги 165 дона яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш кўзда тутилган. Худудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплекслари, бозор инфра-тузилмаси объектлари қуриш ҳамда таъмирлаш, маҳалла биноси, маҳалла гузари, савдо мажмуаси бунёд этилмоқда. 2,5 километр оптик толали алоқа тармоқларини қуриш учун 43 миллион сўм ажратилди.




# БУГУННИНГ ГАПИ

Маҳсулотлар рекламасида қонун талаблари қўпол тарзда бузилган. Истеъмолчиларни чалғитиш, алдаш орқали уни сотиш кўзланган. Ўйлаймизки, мақолада келтирилган ҳолатлар бўйича масъул ташкилотлар ўз муносабатини билдиришади.

## «Реклама тўғрисида»ги қонун талаблари кескин тарзда бузилапти

**МАҲСУЛОТ ДАВО БЎЛМАЙДИГАН БИРОР КАСАЛЛИК ЙЎҚ БЎЛСА, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ НЕГА ДОРИ ВОСИТАЛАРИДАН ВОЗ КЕЧИБ, БАРЧА БЕМОРЛАРГА ШУ МАҲСУЛОТНИ ТАВСИЯ ЭТМАЯПТИ?**



Биламизки, «Реклама тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонун жорий йил 8 сентябрдан кучга кирди. Хужжат билан реклама тилига, шунингдек, унинг мазмунини бошқа тилларга таржима қилишга нисбатан янги талаблар ҳамда бир қатор ўзгаришлар белгилаб берилди.

Қонунга кўра, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги реклама айланиши соҳасида ваколатли давлат органи ҳисобланади.

— Қонун кучга киргач, бир қатор тақтиқлар киритилди, — дейди агентлик ахборот хизмати раҳбари **Мохрухсор Тоғаева**. — Жумладан, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни реклама қилиш, таълим муассасаларида фойдаланиладиган босма нашрлар (дарслиқлар, кундалиқлар, дафтар ва бошқалар)да товарларни реклама қилиш, нархларни (тарифларни) чет эл валютасида кўрсатиш мумкин эмас. Шунингдек, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ахборот маҳсулотини ёш таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш, миллий ва оилавий аънасаларга, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умум қабул қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш, энергетик ичимликларнинг рекламасини соат 7:00 дан соат 22:00 гача телевидение ва радио орқали реклама қилиш, тамаки маҳсулотларини ҳамда тамакини ва никотинни истеъмол

қилиш мосламаларини реклама қилишга руҳсат берилмайди. Бундан ташқари, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

Хўш, бугун қонунни амалда ижроси таъминланмоқдами? Кузатувларга кўра, бу саволга ижобий жавоб топиш қийин. Аксарият реклама берувчилар ҳамон эски услубда маҳсулотларини реклама қилишапти. Энг қизиги, бу каби қонунбузилишлар ижтимоий тармоқларда оқиқ-ошқора давом этмоқда.

«Facebook»да айрим «тадбиркор»лар (уларни реклама қилиб қўймалик учун атай саҳифани номини ёзмадик) маҳсулотлар рекламасини ҳамон рус тилида беришмоқда. Ваҳоланки, янгиланган «Реклама тили» моддасига кўра, аввалгидек, рўйхатдан ўтган товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда логотиплар асл тилда кўрсатилиши мумкин. Рекламанинг ўзи давлат тилида тарқатилиши шарт.

Тўғри, бу тартиб рекламани давлат тилида жойлаштириш ва унинг мазмунини таржима қилиш талабига кўра материалларни фақат чет тилларида жойлаштирган ахборот веб-сайтларига татбиқ этилмаслиги мумкин. Аммо саҳифалардаги реклама матнлари айни қоидага мос келмайди. Чунки биз ўрганган компаниялар веб-сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ўзбек ва рус тилларида иш олиб боришини кўриш мумкин. Демак, бу ўринда реклама тўғрисидаги қонун талаблари бузилапти.

Нархларни (тарифларни) чет эл

валютасида кўрсатиш тақиқлангани ҳолда «Хималава» маҳсулоти нархи АҚШ долларидан кўрсатилган.

Дори воситаларини рекламасида кенг жамоатчилик эътирозларига асосан, киритилган ўзгаришлар амалда ижро этилмади. Масалан, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланганига қарамай, маҳсулотлар айнан шу каби шахслар томонидан тарғиб қилинаётганига қандай изоҳ бериш мумкин? Нега масъуллар бунга эътибор беришмаяпти?

Машхур диний имомлар, шифокорлар, таниқли телебошловчилар, актёр ва актрисалар ҳеч бир қаршилликсиз реклама «юзи» вазифасини бажаришмоқда.

«Алсафия» компанияси томонидан тавсия этилаётган «Honeytoon» асал маҳсулоти «Media group» E-33 биологик қўшимчасини қонунга зид реклама қилинапти. «Алсафия» компания мутахассиси Камола Бадалова билан суҳбат жараёнида маълум бўлишича, бу маҳсулот даво бўлмайдиган бирор касаллик йўқ экан. Масалан, эркаклар ва аёлларда учрайдиган барча касалликларни батамом тузатиб юборармиш. Буни 43 йиллик тажрибага эга бўлган Мурод Тўхтасинов ва Улуғбек Йўлдошев исми тиббиёт ходимлари реклама қилаётганини қандай тушуниш мумкин? Шундай бўлса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги нега дори воситаларидан воз кечиб, барча касалларга шу маҳсулотни тавсия этмаяпти?

**Бунинг сабаби оддий. Аслида, юқоридаги маҳсулотлар дори воситаси бўлмай, биологик фаол қўшимча ҳисобланади. Янги тахрирдаги «Реклама тўғрисида»ги қонунда бу воситалар рекламасига алоҳида ўрин ажратилган. Қонуннинг 35-моддасида овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчаларнинг ва озиқ-овқат қўшимчаларининг рекламаси, деган банд киритилган.**

Унга кўра, овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчаларнинг ва озиқ-овқат қўшимчаларининг рекламаси улар дори воситалари ҳисобланади ва (ёки) даволаш хоссаларига эга, деган таассуротни уйғотмаслиги, уларни қўллаш натижасида одамлар даволанганлигига, уларнинг аҳоли яхшиланганлигига доир муайян ҳолларга ҳавоаларни ҳамда қўллашганлиги муносабати билан жисмоний шахслар билдирган миннатдорчилик ихорини ўз ичига олмаслиги лозим. Шунингдек, бундай реклама объекти дори воситаси эмаслиги тўғрисидаги огоҳлантириш билан бирга берилиши, рекламаси бўйича рағбатлантирувчи акциялар ўтказиш тақиқланади.

Юқоридаги маҳсулотлар рекламасида бу қонун талаблари қўпол тарзда бузилган. Истеъмолчиларни чалғитиш, алдаш орқали уни сотиш кўзланган. Ўйлаймизки, мақолада келтирилган ҳолатлар бўйича масъул ташкилотлар ўз муносабатини билдиришади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

## Шифокорлар маҳаллага келишди

**Чуст тумани Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари бошчилигидаги шифокорлар «Бофанда» маҳалла фуқаролар йиғинида очик мулоқот ўтказди.**

Учрашувда сўз олган тиббиёт бирлашмаси бошлиғи йиғилганларга тиббий хизмат сифатини яхшилаш, тиббиёт ходимларининг касб даражасини ошириб бориш борасида олиб борилаётган

ишларга тўхталди. Хусусан, 40 ёшдан катта аҳоли қатламини скрининг текширувларидан ўтказиш жадал олиб борилмоқда. Бунинг натижасида юрак ва қанди диабет касалликлари эрта аниқланмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг тиббиётга ва бошқа масалалар юзасидан мурожаат ва тақлифлари тингланб, ижроси бўйича масъулларга вазибалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир **Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири **Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири: **Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ**  
Дизайнер: **Абдулазиз АҲМЕДОВ**

**Mahalla**

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uy'i» МЧЖ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 59-уй.  
Индекс: 100192  
Телефонлар: Қабулхона: 71 233-39-89, Обуна бўлими: 71 233-10-92.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Улчами — А3, 2 босма табоқ. 7 900 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-1018  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

